Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

19 декабрь, пайшанба, 1996 йил
Сотувда эркин нархда. № 256 (1508)

ШУ СОНГА ХАБАР

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

Анқара шаҳрида Ўзбекистон -- Туркия дўстлик жамияти ва Туркия -- Ўзбекистон дўстлик жамияти ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

Ана шу ахдлашувга кўра, томонлар икки халқ вакиллари ўртасидаги маданий ва илмий алоқаларни янада кенгайтириш, тарихимизнинг муштарак саналарини биргаликда нишонлаш, туркий халқларнинг бой маданий меросини оммалаштириш сингари долзарб вазифаларни уз зиммаларига оладилар.

-- Ўзбекистон -- Туркия дўстлик жамияти 1991 йил январь ойида таъсис этилган эди. Маълумки, халқ дипломатияси мамлакатлар ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқаларни кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади, -- деди биз билан суҳбатда Ўзбекистон -- Туркия дўстлик жамияти президенти, Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти Иброҳимжон Исканд аров.

Бу жамиятнинг таъсис этилиши қардош ва қондош икки халқнинг бир-бирига меҳри ва эҳтироми белгиси эди. Ўтган йиллар мобайнида ўзаро муносабатлар миқёси анча кенгайди. Туркияда ўзбек рассомлари, шоир ва ёзувчилари, олимлар тез-тез меҳмон бўлиб турибдилар. Уз навбатида туркиялик санъат ва маданият аҳлларининг мамлакатимизга ташрифлари ҳам яхши анъана бўлиб қолди. Биргаликда кўргазмалар ташкил қилинятти, китоблар чоп этилмоқда.

Ўзбекистон -- Туркия дўстлик жамияти ҳайъати аъзолари Туркия маданият вазири Исмоил Қаҳрамон, Халқаро ҳамкорлик ва тараққиёт агентлиги бош директори Нежати Уткан томонидан қабул қилиндилар, Тарих жамияти, «Юксел» ширкати, Анқара университети раҳбарлари билан учрашдилар, Анқара ва Истамбул шаҳарларининг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар.

Н. МУҲАММАДИЕВ,
«Жаҳон» Ахборот агентлиги.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ГЕОЛОГИЯ ВА МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республикада иқтисодиётнинг юксалишига, барча миллат ва элатларнинг вакиллари ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга, минерал хомашё негизини ривожлантиришга ўзининг кўп йиллик халол меҳнати билан катта ҳисса қўшганлиги ҳамда жамоат ҳаётида фаол қатнашаётганликлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

СУЮНОВ Олим -- «Самарқандгеология» давлат геология корхонаси Зарафшон геология қидирув экспедициясининг бурғилаш устаси

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

ПЕРЕВОЗЧИКОВ Геральд Владимирович -- «Қизилтепагеология» давлат геология корхонаси 1-геология-экология комплекс экспедициясининг бош геологи

ЯХШИЕВ Ахатбой Турсинович -- «Самарқандгеология» давлат геология корхонаси Кокпатас геология қидирув экспедициясининг бурғилаш устаси

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

БОЗОРОВ Шерданакул -- Ўзбекистон Республикаси хавфли геологик жараёнларни кузатиш давлат хизматига қарашли Сурхондарё давлат кузатиш станцияси бошлиғи

ЖАББОРОВ Рашид Азизович -- «Тошкентгеология» давлат геология корхонаси геологик тасвирлаш ва изланиш гуруҳи бош геологи

ПОЗИЛОВА Дилора Асадуллаевна -- Давлат геология фонди иқтисодий ахборотни автоматлаштирилган тарзда ишлаш партиясининг бошлиғи

САЛОҲИТДИНОВ Алмаз Нуритдинович -- Ўзбекистон Республикаси хавфли геологик жараёнларни кузатиш давлат хизматининг Самарқанд кузатиш ва гидрогеология станцияси бошлиғи

ТОЙИРОВ Тоштемир -- «Самарқандгеология» давлат геология корхонаси Қизилқум геология қидирув экспедициясининг кон қазувчиси

ҒОФУРОВ Деҳқонбой -- «Тошкентгеология» давлат геология корхонаси Шарқий Қурама геология қидирув экспедициясининг бошлиғи.

ҚУЙИДАГИЛАРГА «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНОАТ ХОДИМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИЛСИН:

ҚАРИМОВ Холмурод Каримович -- «Қизилтепагеология» давлат геология корхонаси бош геологи

КЛИМЕНКО Борис Дмитриевич -- «Самарқандгеология» давлат геология корхонаси Зарафшон геология қидирув экспедициясининг бош геологи

МАМАЖОНОВ Эгамберди -- «Ўзбекгидрогеология» давлат геология корхонаси Фарғона гидрогеология экспедициясининг бурғилаш устаси

ВА ҚУЙИДАГИЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАНСИН:

МАҚСУМОВ Саъдулла Абдуллаевич -- «Геобурғилаштехника» акциядорлик жамияти токари

МЕҲМОНОВ Имомали -- «Тошкентгеология» давлат геология корхонаси геологик қидирув партиясининг геологи

ПИРНАЗАРОВ Мажид -- минерал ресурслар илмий-текшириш институти катта илмий ходими

РЎЗИМУРОДОВ Файзи -- «Самарқандгеология» давлат геология корхонаси Зармитон геология қидирув экспедициясининг бурғиловчиси

ШОЙМУРАТОВ Тўйчи Холиқулович -- «Самарқандгеология» давлат геология корхонаси Қашқадарё геология қидирув экспедициясининг бош геологи

ҚОСИМОВ Рўзимурод -- «Қизилтепагеология» давлат геология корхонаси 18-геология қидирув экспедициясининг бурғилаш қурилмаси машинисти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 18 декабрь.

ИСЛОҲОТЛАР ИСТИҚЛОЛИГА ИШОНЧ РАМЗИ

ТОКИО, 18 декабрь. (ЎзА махсус мухбири Ўктам МИРЗАЁР хабар қилади).

Ўзбекистон делегациясининг Японияга ташрифи доирасида «Ўзбекистон билан икки томонлама молиявий ҳамкорлик» мавзуида конференция бўлиб ўтди. Япония «Эксимбанк»и, иқтисодий тараққиёт ташкилоти, «Хорижий иқтисодий ҳамкорлик жамғармаси» билан ҳамкорликда уюштирилган бу анжуманда Осиё тараққиёт банки масъул вакили Рахул Хиллар Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун 50 миллион АҚШ доллари миқдорида биринчи кредит ажратилганини маълум қилди.

Р. Хиллар Осиё тараққиёт банки раҳбариятининг мазкур қарори Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раҳбарлигида бозор муносабатларига ўтиш жараёнида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар натижаларига катта ишончидир, деб таъкидлади.

Юксак ишчанлик руҳида ўтган мазкур анжуманда Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Япония банки, Япония молия вазирлиги, Токио жамғарма биржаси ҳамда ишбилармон доираларининг нуфузли вакиллари, ҳукуқшунослар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, республика молия вазири Б. Ҳамидов мамлакатимиз молиявий фаолиятини такомиллаштириш, миллий пул бирлиги -- сўмнинг қадрини ошириш борасида кўрилаётган тадбирлар ҳақида сўзлади.

Ўзбекистон Бош вазири Ўткир Султонов мазмунан жуда самарали бўлган конференция ишини ташкил қилишда яқиндан ёрдам берган Япония ҳукуматига ҳамда иштирокчиларга миннатдорлик билдирди.

Мамлакатимиз делегациясининг Японияга сафари давом этмоқда.

(ЎзА).



Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалик экинларининг пайҳон қилинишига қарши курашни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан сўнг Термиз тумани ҳокимияти, хўжалик раҳбарлари, маҳалла қўмиталари жойларда аҳолига қарорнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш ишларини бошлаб юборишди. Мавжуд майдонларга эса дала қоровуллари қўйилмоқда.

СУРАТДА: мазкур туманнинг «Намуна» жамоа хўжалиги ғалла-лакори, қоровул Маҳсад Ҳаққиев ўзига бириктирилган ғалла майдонларини сергаклик билан қўриқламоқда.

И. ХЎЖАЕВ олган сурат.

Республика Вазирлар Маҳкамасида

ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНАЙЛИК

Шу йил 18 декабрь куни Республика Вазирлар Маҳкамасида Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков раислигида ёнилғи-энергетика ресурсларини тежаш комиссиясининг мажлиси бўлди.

Унда Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши Раисининг, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари, вазирликлар, идоралар ва бирлашмаларнинг раҳбарлари иштирок этди.

Мажлисда «Ўзбекбирлашув», «Ўздавлатнефтмаҳсулот» давлат акционерлик бирлашмаси, Ўзбекистон овчилар уюшмаси тизимларида, Хоразм, Бухоро ва Фарғона вилоятларида нефт маҳсулотларини қабул қилиб олиш, сақлаш, тақсимлаш ва фойдаланиш масалалари кўриб чиқилди.

Комиссия кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай, ҳамон нуқсонлар мавжудлигини -- «Ўзбекбирлашув» ташкилотларида нефт маҳсулотларини асоссиз равишда ҳисобдан чиқариб ташлаш ҳолларига барҳам берилмаганини таъкидлади, текшириш натижаларига қараганда, бу тизимда ўн тоннадан ортиқ нефт маҳсулотлари асоссиз равишда ҳисобдан чиқариб юборилган. Ўзбекистон овчилар уюшмасида ҳам нефт маҳсулотларини ҳисобга олиш ва сақлаш қоникарсиз аҳволда. «Ўздавлатнефтмаҳсулот» акционерлик бирлашмасининг Хоразм вилояти Урганч нефт базасида автобензиннинг сифатини бузиш ҳоллари аниқланди.

Хоразм вилоятининг айрим корхоналарида нефт маҳсулотларини сақлаш, ҳисобга олиш ва тақсимлашда тартиб ўрнатилмаган. Фарғона вилояти автотранспорт корхоналарида қўшиб ёзиш ҳоллари тугатилмаган, нефт омборларининг ҳолати эса талабга жавоб бермайди.

Комиссия нефт маҳсулотларини сақлаш, тақсимлаш масалаларига бепарволик билан қарагани, нефт маҳсулотларини фондда кўрсатилмаган ташкилотларга бергани ва сифатини бузгани, нефт омборларини техникавий ва ёнғинга қарши талабларга мувофиқлаштириш юзасидан аниқ чоралар кўрмагани, республикага моддий зарар етказгани учун Хоразм вилояти нефт маҳсулотлари билан таъминлаш корхонаси директори П. Султонов, «Нефтмеъёр» бўлими бошлиғи А. Эргашев, Ўзбектранспорт қурилиш учинчи Урганч қурилиш-монтаж корхонаси бошлиғи Р. Ёқубовларнинг лавозимига мувофиқ ёки мувофиқ эмаслигини кўриб чиқишни, Сирдарё вилоят овчилар жамияти раиси С. Абдуллаев, «Ўздавлатпахтасаноатсотиш» Хива пахта саноати директори Х. Юсупов, Хонқа туманининг Охунбобоев номидаги жамоа хўжалиги раиси Ж. Уллиев, «Ўзбалиқ» корпорацияси Фарғона балиқ хўжалиги раиси Б. Бегматов ва нефт маҳсулотлари билан таъминлаш Самарқанд вилояти корхонасига қарашли Мароқанд нефт базаси директори М. Йўлдошевнинг шахсий масъулиятини кўриб чиқишни тавсия этди.

Комиссия «Ўзбекбирлашув», «Ўздавлатнефтмаҳсулот» акционерлик бирлашмаси раҳбарларининг, Хоразм, Бухоро, Фарғона вилоятлари ҳокимлари ўринбосарларининг «Ўзбекбирлашув»га қарашли Деновдаги «Карвон» акционерлик жамияти раиси М. Отабоев, «Ўзбекбирлашув»нинг «Юрчи» савдо-ишлаб-чиқариш акционерлик жамияти бошқаруви раиси Х. Умаров, Бухоро вилояти Когон туманидаги «Зиробод» акционерлик жамияти раиси Н. Мамаризаев, «Ўзагроқурилиш»нинг 20-трестига қарашли Ромитан 8-механизациялашган кўчма колоннаси раиси Б. Авазов, «Ўзбекбирлашув»нинг Қувасойдаги «Таъмирқурилиштранс» фирмаси директори М. Йўлдошев, Урганч нефт базаси директорининг ўринбосари А. Мадиримовларнинг ишдан бўшатилгани тўғрисидаги ахборотини маълумот учун қабул қилди.

Мажлисда комиссиянинг 1996 йилдаги ишлари якуни чиқарилди. 1997 йилда нефт маҳсулотлари ва табиий газ ишлаб чиқариш, истеъмол қилиш ва фойдаланишга доир фарқлар кўриб чиқилди.

Комиссия ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланишни назорат қилиш юзасидан ўтказилаётган тадбирлар халқ хўжалиги тармоқларнинг барқарор ишлашини таъминлаганини таъкидлаб ўтди. Бироқ айрим вазирликлар, идоралар, маҳаллий ҳокимият органлари, давлат ва нодавлат тузилмаларининг бошқарувчилари энергия ресурсларини тежаш ва улардан оқилона фойдаланиш масалаларига етарли эътибор бермаётир. Халқ хўжалигининг барча бўғинларида ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш тавсия қилинди. Тартибни турли йўллар билан бузиш ҳолларининг олдини олиш чоралари белгиланди.

Комиссия мажлисида Бош вазир ўринбосарлари К. Раҳимов, Р. Юнусов, Қ. Ҳаққулов иштирок этди.

(ЎзА).

Ватан — маҳалладан бошланади

МАҲАЛЛИЙ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ: ҚАДРИЯТЛАР МАКОНИ

Ўзбек маҳалласи — қадриятлар макони. Ҳа, ўтмиш меросимиз ганжиналаридан маҳаллий бошқарув тизими фаолиятини такомиллаштиришда ҳам унумли фойдаланилаётганлиги мувафқиятлар омили бўлмоқда.

Таъбир жоиз бўлса, бугунги ўзбек маҳалласида ўтмиш ва бугунги халқ бошқаруви усулининг энг афзал, муҳим жиҳатлари ўзаро уйғунлашиб, чамбарчас боғланиб кетгандир.

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунда фуқаролар йиғинларига ҳар икки ярим йилда сайловлар ўтказилиши белгилаб қўйилган. Ана шу қоидага биноан маҳаллий бошқарув

(Давоми 3-бетда).

Фуқаро эътиқоди

УМРИ БОҚИЙ БУЮК ДОСТОН БЎЛ!

Америка Қўшма Штатларининг Вашингтон штатида Сиэтл деган бир шаҳар бор. Сиэтл нафақат АҚШнинг балки жаҳоннинг ҳам хушманзара ва файзиёб шаҳарларидан ҳисобланади. Чиндан ҳам ям-яшил, ҳам дengизи бор, ҳам ўрмони-ю тоғи бор ажойиб бир маскан.

Сиэтлнинг кўркига кўрк қўшиб турадиган жойлардан бири, бу -- Райниер тоғи. Маҳобатли бу тоғ Сиэтлнинг қандайдир рамзига айланиб қолган, унинг акси жуда кўп суратларда, гулхатларда намоён этилади. Тоғ билан шаҳар орасида хийлагина масофа мавжуд. Тоғни сайр эттани борганимизда, ажабо, уни яқиндан томоша қилиб, Райниернинг улуғворлигини, Сиэтлдан туриб кузатганчалик ҳис этмаганимдан ҳайрон бўлдим. Ҳа, тоғларнинг улуғворлигини, қадр-қимматини йироқлардан туриб яхшироқ билар экансан, туяр экансан киши. Тоғларнинг улуғлиги узоқлардан билинади,

Ҳар гал хорижга йўлим тушса, йироқлардан туриб Она Ватан -- озод Ўзбекистон бўйбастига қарайман. Шарқнинг ҳам маданий, ҳам сиёсий, ҳам

(Давоми 2-бетда).

Акс-садо

ВАЗИФАЛАР АНИҚ, ГАП ЕНГ ШИМАРИБ ИШЛАШДА...

Мамалакат Президенти халқ депутатлари Бухоро вилоят кенгаши сессиясида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасида ҳали бир қатор муаммолар мавжуд эканлигини кўрсатиб берди.

Юртбошимизнинг маърузаларида кўтарилган долзарб масалаларни ҳал этиш борасида қилиниши лозим бўлган вазифалар хусусида мамлакат Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг ўринбосари Мансур Султонов мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди.

-- Қишлоқ хўжалигида аграр сиёсатни амалга ошириш янги ташкил этилган Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг асосий вазифаларидан биридир. Бирламчи юмуш шуки, мамлакат қишлоқ хўжалигининг суғориладиган экин майдонларида ҳосилдорликни бир неча баробарга ошириш лозим. Ана шу вазифани муваффақиятли ҳал этиш учун Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг дастури ишлаб чиқилган бўлиб, унда яқин келажак -- 2000 йилда пахтачиликда ҳар гектар ердан олинадиган ҳосилдорликни 30--32 центнерга, ғалла ҳосилдорлигини 35--40 центнерга, сабзавотчиликда 350--400 центнерга, мева ва узумчиликда 115--120 центнерга, шоличиликда 50--55 центнерга, ҳар гектар ердан олинадиган озуқа бирлигини эса 8-10 тоннага етказиш кўзда тутилган.

-- Шу қисқа муддат ичида дастурни тўлиқ амалга ошириш имкони мавжудми?

-- Албатта. Тўлиқ ишонч билан шундай дейишимнинг сабаби мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейинги 5 йил ичида жойларда ташкил этилган деҳқон-фермер хўжаликлари, ижара ва ширкатчилар ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан ана шундай юқори ҳосилдорликка эришиш мумкин эканлигини исбот этдилар.

Шу кунларда яна бир муҳим лозим дарс шаҳсга ўстида иш олиб борилаётир. Бу ҳам бўлса республика Қишлоқ хўжалик фанлар академияси олимлари билан ҳамкорликда жойлардаги экиладиган пахта ва ғалланинг илмий изланишларга асосланган тўлиқ технологиясини ишлаб чиқиш ва жорий этиш. Чунки, агротехникага амал қилинмас экан, юқори ҳосилдорликка эришиб бўлмайди. Президентимиз ҳалқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгаши сессиясида таъкидлаганларидек, деҳқончиликда, айниқса, ғаллачиликда алдов ва кўзбўямачилик ҳунук оқибатларга олиб келади. Шунинг учун бир гектар ерга агротехника қоидаларида кўрсатилганидек, 250 килограммдан уруғ сепиш жоиз. Бизда эса афсуски, кўпчилик хўжаликларда бу қоидага беписандлик билан муносабатда бўлинаяпти.

Энди пахтачилик соҳасида тўхталадиган бўлсак, ҳосилдорликни кескин ошириш бир қатор хўжаликларда муттасил пахта экиб келинаётган майдонларда мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштириш имконини ҳам беради. Бугун кўпчиликка яхши маълум бўлган «Андижон технологияси» ҳам аслида далаларимиздаги пахта ҳосилдорлигини оширишга қаратилган. Шу боис бу тажрибани оммалаштириш йўл-йўриқлари ишлаб чиқилди. Шунга кўра, 1997 йилда 200 минг гектар ерга, 1998 йилда 500 минг, 1999 йилда 750 минг, 2000 йилга бориб 1 миллион гектар ерга плёнка остига чигит экиш тажрибаси оммалаштирилади. Бундан кўзда тутилган бош мақсад -- пахта ҳосилдорлигини бир неча баробар ошириш, йигим-терим мавсумини 10 октябргача тугаллаш ва пахтадан бўшаган майдонларга ғалла экиб, тўлиқ майсалар ундириб, оби-тобида суғориб, ўғитлаб, шу асосда ғалла ҳосилдорлигини ҳам бир неча центнерга ошириш.

Шу ўринда яна бир муҳим масалани таъкидлаб ўтишни жоиз деб биламан: жойларда фаолият кўрсатаётган деҳқон-фермер хўжаликлари, ижара ва ширкатчиларга эътиборни кучайтириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш. Чунки, бугунга келиб -- деҳқон-фермерлик ўзининг ижобий самарасини берди. Ҳозир шундай деҳқон-фермерларимиз борки, катта-катта хўжаликлар эпақага келтиролмаётган экин майдонларида юқори ҳосил олишга эришяпти. Улар тажрибасини оммалаштириш бугун ҳар бир хўжалик раҳбарининг, ҳокиму вазирнинг биринчи галдаги вазифасидир.

«Халқ сўзи» мухбири
Ш. КАРИМОВ ёзиб олди.

КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Вазирлар Маҳкамасида 18 декабрь куни Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонунини амалга ошириш республика комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. Уни республика Бош вазирининг ўринбосари, комиссия раиси А. Азизхўжаев бошқарди.

Мажлисда вазирликлар, қўмиталар, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари иштирок этди.

1989 йили илк бор, сўнгра 1995 йил декабрида янги таҳрирда «Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг қабул қилиниши нафақат ўз тилимиз, балки бой маданий ва маънавий меросимизга муносабат ўзгарганини кўрсатди. Мажлисда сўнгги пайтда мутасадди раҳбарларнинг эътиборсизлиги ва фаолиятсизлиги боис мазкур қонунни ҳаётга татбиқ этиш борасидаги ишлар бирмунча суст кетаётгани қайд этилди.

Шу йил 10--11 декабрь кун-

(Давоми 2-бетда).

ДИҚҚАТ:

«ХАЛҚ СЎЗИ» ОБУНАЧИЛАРИНИ ЮТУҚЛАР КУТАДИ!

Азизлар!

Биз 1997 йил учун газетамизга обуна (якка тартибда) бўлганлар ўртасида лотерея ташкил этишга аҳд қилдик.

Лотерея ролини газетамиз учун 1997 йилнинг 12 ва 11 ойига ёзилган обуна квитанциялари ўйнайди.

Ҳар бир обуначи обуна квитанцияларини ўз исми-фамилияси, манзили, иш жойи, ўқув даргоҳи номини тўла ёзиб, конвертга «Обуначилар лотереясига» деб белги қўйиб, «Халқ сўзи» таҳририятига 15 февралгача юбориши керак.

Лотерея ўйинлари февралнинг охирида якунланиб, «бахтли» квитанцияларнинг номерлари «Халқ сўзи»да эълон қилинади.

Ютуқлар ичида рангли телевизорлар, радиоприёмниклар, гиламу полослар, уй-рўзғор ашёлари, чинни идишлар, ҳамда бошқа қиймматбаҳо буюмлар мавжуд. Шунингдек, мамлакатимизнинг таниқли ёзувчисию шоирлари ўз дастхатларини битишган китоблар, машҳур хонандаларнинг концертлари ёзилган видеокассеталар ҳам сизларга мушток.

Лотереямизга «Ўзбекбирлашув», республика «Бизнес-фонди», турли корхона-ю фирмалар ҳомийликни ўз зиммасига олишди. (Биз кейинчалик уларнинг тўлиқ номларини келтирамиз).

Ҳар икки лотереядан бирида ютуқ мавжуд!
Омадингизни синаб кўринг!

«Халқ сўзи» таҳририяти.

«Халқ сўзи» газетасига обуна бўйича вилоятлар кўрсаткичи

(15 декабргача бўлган маълумот)

1. Тошкент вилояти --	3354
2. Фарғона вилояти --	3094
3. Наманган вилояти --	2514
4. Хоразм вилояти --	2361
5. Сурхондарё вилояти --	2314
6. Андижон вилояти --	2106
7. Қашқадарё вилояти --	2088
8. Қорақалпоғистон республикаси --	1920
9. Тошкент шаҳри --	1905
10. Самарқанд вилояти --	1706
11. Бухоро вилояти --	1298
12. Сирдарё вилояти --	1187
13. Жиззах вилояти --	1187
14. Навоий вилояти --	797.

Обуна давом этмоқда.

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси еттинчи сессияси олдидан

ДАВЛАТ ВА ХУСУСИЙ НОТАРИУСЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ТЕНГМИ?

«Нотариат тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг 5 боб, 34-моддасида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар томонидан амалга ошириладиган нотариал ҳаракатлар ваколатлари белгиланаётган пайтда улар зиммасидан мерос олиш ҳуқуқи тўғрисида гувоҳномалар бериш, мерос мол-мулкининг қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўриш, мол-мулкни ўзга шахсга ўтказишни тақиқлаб қўйиш ва тақиқни бекор қилиш ҳамда чет элларда амал қилиш учун ҳужжатларни расмийлаштириш каби нотариал ҳаракатларни соқит этади. Бу эса ўз навбатида лойиҳанинг 1-боб, 2-моддасига зиддир. Чунки мазкур моддада нотариуслар давлат нотариал идорасида ишлайдими, хусусий амалиёт билан шуғулланадими тенг ҳуқуқ ва мажбуриятга эга, улар томонидан расмийлаштириладиган ҳужжатлар бир хил юридик кучга эга, деб ёзилган. Мадомики шундай экан уларнинг ваколат доирасига кирадиган барча бурч ва ҳуқуқлар ҳам тенг бўлиши керак эмасми?

Ф. МАДАЛИЕВА,
Пон давлат нотариал идораси катта нотариуси.
Л. СОДИҚОВА,
давлат нотариуси.

Долзарб мавзу

ҚИШЛОҚ ТЕХНИКАСИ: ИЗЛАНИШ ВА МУАММО

Республика Президенти И. Каримовнинг қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жорий этиш борасидаги кўрсатмалари қандай бажарилмоқда?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил июль ойида қабул қилган «Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини замонавий техника билан таъминлаш бўйича биринчи галдаги вазифалар тўғрисида»ги қарорининг ижроси қишлоқ хўжалик машинасозлиги соҳасида туб бурилиш бўлиб, у олимлар ва мутахассислар, шунингдек, манфаатдор ташкилотларнинг ҳамкорлигида амалга оширилмоғи лозим. Шу боис ҳукумат қарорининг ижросига зудлик билан киришишни таъминлаш мақсадида «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» компанияси август ойида замонавий чет эл машиналари намойишини ташкил этди. Президентнинг юқорида таъкидланган кўрсатмаларини амалда бажариш учун ушбу машиналарни қўшма корхоналарда ишлаб чиқаришни яқин келажакда ўзлаштириш зарур эди.

Шундан сўнг республика Фанлар академиясида олимлар ва мутахассислар, конструкторлар ва республика машинасозлик мажмуи корхоналари вакилларининг «Олим ва мутахассисларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг қишлоқ хўжалик машиналарини ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жорий этишга оид кўрсатмаларини амалга ошириш борасидаги вазифалари» мавзусида давра кенгаши бўлиб ўтди. ЎЗФА ҳамда «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» компанияси ташаббуси билан уюштирилган ушбу йиғилишдан мақсад замонавий технологияларни яратиш ва уни қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқаришга жорий этиш эди.

ГОРИЗОНТАЛ ҲАМДА ВЕРТИКАЛ ШПИНДЕЛЛИ ТЕРИМ МАШИНАСИ: ҚАЙСИНИСИ МАЪҚУЛ?

«Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» компанияси раиси Р. Матчонов саноат йўли билан ўзлаштирилиши лозим бўладиган қишлоқ хўжалик машиналари турларига атрофлича тавсиф бериб, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига янги технологияларни жорий этишга оид энг муҳим муаммолар хусусида тўхталди.

— Ҳукумат қарори ва Президент кўрсатмаларини тез ва мукаммал бажариш учун аввало АҚШнинг «Кейс» фирмаси маҳсули бўлган 100--130 от кучига эга «Максум» русумли тракторлар базасида юқори қувватли, универсал-ҳайдов тракторларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш зарур. Бунда улардан юксак самара билан фойдаланиш технологиясини ҳам бир йўла ишлаб чиқиш лозим бўлади. Бироқ бу тракторларнинг габаритлари шундайки, эгат оралиғи 60 см, бўлган майдонларда уларни ишлатиб бўлмайди. Бинобарин, келажакда қатор оралиғи қандай бўлиши лозимлиги масаласини ҳам йўлакай ҳал этиш керак.

(Давоми 3-бетда).

Хусусийлаштириш

30 ТАДАН 9 ТАСИ ИШЛАЯПТИ, ХОЛОС...

Илгари хабар берилганидек, Жиззах шаҳрида Вазирлар Маҳкамаси Хусусийлаштириш ва тадбиркорликни ривожлантириш мажмуининг кўчма йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ушбу вилоятда иқтисодий ислоҳотларнинг бориши тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Бу бежиз эмас. Негаки, Президентимиз Ислом Каримов халқ депутатлари Жиззах вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида айни шу масала хусусида тўхталиб, воҳада иқтисодий ислоҳотлар ниҳоятда суст кетаётганини таъкидлаган эди.

Ҳақиқатан ҳам, бу ерда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва бозор инфратузимини шакллантиришда камчиликларга йўл қўйилмоқда. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 20 мартдаги қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш давлат дастури»нинг тўлиқ бажарилиши таъминланмаяпти.

Вилоят ҳудудида бугунги кунда фаолият кўрсатаётган 214 давлат корхонаси ва ташкилотдаги мол-мулкнинг миқдори ва аҳволи ҳақида бирон-бир маълумот мавжуд эмас. Ушбу молмулклардан самарали фойдаланиш ва сақлаш устидан эса ҳеч қандай назорат амалга оширилмаётир.

Вилоятда мавжуд қурилиши тугалланмаган объектларнинг сарҳисоби ўтказилмаган, уларни қонунда белгиланган тартибда аукцион ва танлов асосида хусусийлаштириш борасидаги ҳукумат қарорлари ҳам суст бажарилмоқда. Масалан, Жиззах трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида (устав фондидаги давлат улуши 15 фоиз) 1995 йилнинг январь ойида Россиянинг «Черновцилегмаш» корхонасидан олиб келинган 27,7 минг АҚШ долларлик тўқимачилик ускуналари, Жиззах аккумулятор ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятида (устав фондидаги давлат улуши 25 фоиз) 1991 йилда Россиядан келтирилган 171,0 минг сўмлик дастҳоҳлар ва 114,2 минг сўмлик пайвандлаш ускуналари, Жиззах электр тармоқлари давлат корхонасида 1991 йили Россия Федерациясидаги корхоналардан келтирилган 120,0 минг сўмлик асбоб-ускуналар шу кунга қадар ўрнатилмаган. Жиззах шаҳридаги «Иссиқ нон» ҳиссадорлик жамиятида эса 1995 йил якуни бўйича ҳисобланган 433,3 минг сўм маблағнинг ишлатилиши ҳақида маълумот сақланмаган.

1996 йилнинг 11 ойи мобайнида 86 та корхона давлат тасарруфидан чиқарилган бўлиб, ушбу корхоналарни хусусийлаштиришда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириш кўзда тутилмаганини қандай изоҳлаш мумкин?

Давлат тасарруфидан чиқарилган маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида 10 ой мобайнида ишлаб чиқариш суръатлари 1994--1995 йилларнинг шу даврига нисбатан Бахмал туманида 36, Зарбдорда 41, Пахтакор ва Дўстлиқда 72--74, Ғаллаорол, Фориш туманларида 82--84 фоизни ташкил этган, холос. Бунинг асосий сабаблари шуки, ушбу корхоналарда объект фаолиятининг шартлари юзасидан олинган мажбуриятлар сурункасига бажарилмай келмоқда.

Арнасой туманида М. Аҳроров томонидан 1993 йилда хусусийлаштириб олинган маиший хизмат уйида мулк шакли ўзгарган кундан бошлаб тикувчилик, сураткашлик, пойабзал ва музлаттичларни тузатиш шохобчалари фаолият кўрсатмай келяпти. Зарбдор тумани, Бўстон шаҳрида М. Ғулмуродов томонидан хусусийлаштириб олинган тикувчилик цехи номаълум томонга кўчириб кетилган бўлса, Ғаллаорол туманида Ҳ. Умаров томонидан хусусийлаштириб олинган сартарошхона эса мулк шакли ўзгартирилган кундан бошлаб тижорат дўконига айлантирилган.

Уч томонлама шартнома мажбуриятларининг бажарилмаганлиги оқибатида «Жиззахсавдо» ишлаб чиқариш концерни тизимидаги «Ғузал» ҳиссадорлик жамиятида ўтган 10 ойда савдо обороти ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 233 минг сўм, «Бинокор» ҳиссадорлик жамиятида 360 минг сўм, «Истиқбол» ҳиссадорлик жамиятида 1,8 млн. сўм ва «Жиззахтаом» ҳиссадорлик жамиятида 1,6 млн. сўмга камайтириб юборилган. Шунингдек, 1996 йилнинг 1 октябрига қадар вилоят қишлоқ хўжалигидаги ҳиссадорлик жамиятлари ва жамоа хўжаликларида қорамоллар сони 18,5 минг, қўй ва эчкилар 48,2 минг, отлар 2 минг ва паррандалар 594,1 минг бошга озайган. Натижада истеъмол бозорида ўтган йилга нисбатан 3 минг тонна гўшт, 12,4 минг тонна сут, 6,8 минг дона тухум ва 130,6 тонна жун кам ишлаб чиқарилган.

Дўстлик туманидаги матлубот жамияти хазинасига 1993 йилнинг август ойида саноат моллари дўкони мудири М. Фахриддинова томонидан бинони хусусийлаштириш учун 175 минг сўм пул ўтказиб берилганлигига қарамасдан, қонунгача хусусийлаштириш ҳужжатлари расмийлаштирилмаган. Унга мулкка эгалик қилиш юзасидан давлат ордери ҳам берилмаган. Устига устак, матлубот жамияти ишчи комиссиясининг хусусийлаштириш ишига эътиборсизлиги туфайли ушбу объект М. Фахриддинова ва меҳнат жамоасининг розилиги олинмасдан ва иштироки таъминланмасдан, 1995 йилнинг 2 август ойида ўтказилган «Ким ошди» савдосида сохталаштирилган ҳужжатлар асосида бегона шахсга сотиб юборилган.

1996 йилнинг 11 ойи давомида Кўчмас мулк биржасида «Ким ошди» савдоси орқали сотилган 25 та объект бўйича олди-сотди шартномалари белгиланган қоидаларга зид равишда давлат мулки бошқармасининг буйруқлари асосида маъмурий тарзда бир томонлама бекор қилинган. Ушбу ҳолатлар мулк эгаларининг норозилиги ва ҳар хил низолар келиб чиқишига сабаб бўлган. Чунончи, 1995 йил 28 август куни ўтказилган «Танлов» савдоси орқали Ғаллаорол туманидаги «Автотеххизмат» (СТО-4) устахонаси фуқаро А. Мамараимовга 2,2 млн. сўмга сотилган. Кейинчалик А. Мамараимов томонидан олди-сотди шартномасида белгиланган муддатларда пул тўловлари вақтида ўтказиб берилмаганлиги боис бошқарманинг 1996 йил 22 июлдаги 34-сонли буйруғи асосида ушбу савдо шартномаси бир томонлама бекор қилинган. Шундан сўнг ушбу объект 1996 йил 26 июль куни ўтказилган «Ким ошди» савдоси орқали «БлицКДС» фирмасига 2,2 млн. сўмга сотилган. Уз навбатида А. Мамараимов ушбу объект учун тўловларни қаттиқ беморлиги боис вақтида ўтказа олмаганлиги ва у билан тузилган шартнома асоссиз равишда бекор қилиниб, объект қайта савдога қўйилганлиги ҳақида турли идораларга аризалар билан мурожаат қилиб юрибди.

Фақат шугина эмас. 1996 йилнинг март ойида вилоят Кўчмас мулк биржасида «Ким ошди» савдоси орқали «Учқулоч» тош майдалаш заводи фуқаро Х. Каримовга 11 млн. сўмга сотилган. Лекин Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 апрелдаги 228-сон қарори талабларига хилоф равишда у гаров пули тариқасида 1,1 млн. сўм пулни олдиндан бюджетга ўтказиб бермаган. Кейинчалик эса Х. Каримов объектни сотиб олиш учун қобилияти йўқлиги учун уни рад этган ва ушбу олди-сотди шартномаси бошқарма бошлиғининг 1996 йил 3 июндаги буйруғи асосида бекор қилинган.

Вилоятда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 4 июлдаги «Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини улар жойлашган ер участкалари билан биргаликда хусусий мулк қилиб сотиш тартиби тўғрисида»ги ва 1995 йил 11 апрелдаги «Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини улар жойлашган ер майдонлари билан биргаликда ҳамда ер майдонларини мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш учун хусусий мулк сифатида сотиш тартиби тўғрисида»ги қарорлари ҳам ниҳоятнинг сусткашлик билан бажарилмоқда. Масалан, 1996 йилнинг 11 ойи давомида вилоят Кўчмас мулк биржасида «Ким ошди» савдоси орқали атиги 15,9 га майдонга эга бўлган 319 та ер бўлаги сотувга чиқарилган, холос. Ушбу давр ичида биргина Ғаллаорол туман ҳокимининг қарорларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг «Ер тўғрисида»ги Қонунининг 22-моддаси талабларига зид равишда 368 нафар фуқарога 57,6 га ер майдони якка тартибда шахсий уй-жой қуриш учун, шунингдек, 11 гектардан зиёдроқ ер тижорат тизимидаги шахсий фирма ва кичик корхоналарга дўкон, чойхона ва бошқа савдо нуқталари барпо этиш учун бепул ажратиб берилган.

Маълумки, тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга. Бу ўз навбатида халқ истеъмол бозорини тўлдириш ва меҳнаткашларнинг турмуш фаровонлигини оширишни таъминлайди. Аммо 1996 йил 1 ноябргача вилоят бўйича ташкил этилган 4441 хўжалик субъектларидан 1282 таси ёки 29 фоизи умуман фаолият кўрсатмаяпти, 208 таси (5 фоизи) эса бутунлай ёпилган. Шунингдек, 993 та хусусий корхонанинг 46 фоизи, 571 кичик корхонанинг 48 фоизи ва 605 фирманинг 36 фоизи ишламаётир.

Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 26 июлдаги 291-сонли қарори асосида ташкил этилган вилоят Бизнес-фонди зиммасига хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнеса молиявий кўмак бериш ва ундан тўғри фойдаланишнинг устидан назорат қилиш вазифаси юклатилган. Бироқ ушбу идора ходимларининг масъулиятсизлиги ва бепарволиги сабабли, кредит маблағларининг маълум бир қисми нотўғри ва ғараз мақсадларига сарфланишига йўл қўйилмоқда. Мисол учун «Семург» хусусий фирмасига 1995 йилда берилган 149,0 минг сўм маблағ хомашё сотиб олиш ўрнига асбоб-ускуналарни харид қилишига ишлатилган. «Йўлдош» хусусий фирмасига 1995 йилда берилган 463,7 минг сўм маблағга ҳозиргача ҳеч қандай маҳсулот олинмаган. Шунингдек, «Омад», «Маматқул», «Ботир» ва бошқа фирмаларга берилган кредит маблағлари ҳам мақсадсиз ишлатилиб, уларни давлатга қайтариш муддатлари ўтказиб юборилган.

Вилоятда рўйхатдан ўтган 30 та қўшма корхонадан фақат 9 таси фаолият кўрсатаётгани, уларнинг ҳам 2 тасигина маҳсулот ишлаб чиқараётгани, айниқса, ачинарли ҳолдир.

Йиғилишда хусусийлаштирилган корхоналарга, тадбиркорларга ёрдам бериш, уларнинг самарали ишлаши йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш ҳокимликлар, қоларверса, вазирликлар ва ташкилотлар олдида турган биринчи галдаги вазифа эканлиги таъкидланди. Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга хизмат қилувчи омилларга, инсонлар ғайрати ва ташаббусига кенг йўл очиб бериш, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланишга эътибор қаратилди.

М. НИЁЗМЕТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасининг умумий назорат бошқармаси прокурори, кичик адлия маслаҳатчиси.
И. ЎТБОСАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

лари Вазирлар Маҳкамасининг текшириш гуруҳи Тошкент вилоятининг бир неча шаҳар ва туманларида бўлиб, мазкур қонунни ҳаётга татбиқ этиш борасида бажарилаётган ишлар аҳволи билан танишди. Республика комиссияси котибияти катта эксперти Ю. Ҳамдамов ва Тошкент вилояти ҳокими ўринбосари Д. Жаҳонгированинг шу ҳақдаги ахборотлари тингланди.

Пойтахт вилоятида ўтказилган текширишлар кўрсатдики, жойларда бу борада тегишли тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳокимликлар қошида ишчи гуруҳлари муайян ишларни амалга оширмоқда. Бироқ, ушбу гуруҳлар, мутасаддилар фаолиятида жиддий камчиликлар мавжуд, яъни, амалий ишлар талаб даражасида эмас. Маъмурий-ҳудудий бирликлар, майдон ва кўчалар, географик объектлар номларини ўзгартириш, иш юритиш давлат тилида бажарилишини таъминлаш, ўзбек тилини ўргатиш бўйича қонун талаблари даражасида иш олиб борилмаяпти. Хусусан, кўча ва жойларни янги номлар билан аташда чалкашликларга йўл қўйилмоқда. Қатор идора ва ташкилотларнинг расмий муҳр ва тамғалари ҳамон ўзгартирилмаган. Олмалиқ, Янгийўл, Бекобод ва Ангрен шаҳарларида кўчалар номини ўзгартириш, янги лавҳаларни ўрнатиш ишлари кўнгилдагидек эмас.

Мажлисда кўрилган масала юзасидан Ўзтелерадиокомпания раиси вазифасини бажарувчи З. Ҳакимов, республика Фанлар академияси президенти Т. Жўраев, ЎзА бош директори М. Ҳазратқулов ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар, мазкур қонуннинг бажарилиши борасида қилинган ишлар хусусида ахборот бердилар.

Танқид руҳида ўтган мажлисда ҳуқуқий жамият барпо этилаётган республикамизда ҳар бир қонун ижросини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга экани уқтирилди. Шу маънода, «Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг шаксшубҳасиз бажарилишига эришиш қадриятларимиз, истиқлол йилларида топталган миллий ғуруримизни тиклаш йўлидаги энг муҳим ишлардан биридир.

Мажлисда давлат тилига эътиборни кучайтириш, бу борада мутасадди раҳбарларнинг масъулиятини ошириш зарурлиги қайд этилди. Ишларни қонун талаби даражасига кўтариш юзасидан аниқ кўрсатмалар берилди.

(ЎзА).



Иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёни Қашқадарё вилоятида ҳам жадаллик билан амалга ошяпти. Сўнгги йилларда бу ерда ишга тушган кўплаб кичик ва қўшма корхоналар, завод ва фабрикалар айни кунда турли-туман маҳсулот ишлаб чиқаряпти. Куни кеча вилоятда яна бир йирик мажмуа -- Қашқадарё тўқимачилик очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти -- «Қаштекс» ўз фаолиятини бошлади. 16 гектар майдонни эгаллаган бу улкан мажмуа пахта тозалаш заводи ва олтита йирик фабрикани ўз ичига олган. Булар ип йигирув, иккита тўқув, бўяш, матога гул босиш ва тикув фабрикалари бўлиб, барчасида ишлар тўлиқ автоматик усулда бажарилади.

Машҳур «Язекс» фирмаси билан ҳамкорликда бунёд этилган «Қаштекс» ҳиссадорлик жамияти ўз маҳсулотларини асосан жаҳон бозорида сотади. Фабрикалар ўзининг лойиҳадаги қуввати билан ишлай бошлагач, бу ерда 70 миллион АҚШ доллари қийматидаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Келажакда ишчилар сони ҳам 2000 дан ошиши назарда тутилган. Айни пайтда эса бу ерда 600 киши меҳнат қилмоқда.

СУРАТЛАРДА: «Қаштекс» фаолиятидан лавҳалар.

Ш. ШАРОПОВ (ЎзА) тасвирга олган.

Фармон ва ижро

ТЕКШИРУВЛАР ТАРТИБГА ТУШМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони асосида мулкчилик шаклларидан қатъий назар, хўжалик юритувчи субъектларни текшириш тартибга солинмоқда, назорат қилувчи органлар томонидан уларнинг фаолиятига асоссиз аралашишларга барҳам берилмоқда.

Бу соҳадаги дастлабки натижалар назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг навбатдаги мажлисида таъкидлаб ўтилди. Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси -- Ўзбекистон Республикаси Президенти девони назорат инспекциясининг раҳбари, кенгаш раисининг ўринбосари Е. Ж. Жалолов олиб борди.

Фармон эълон қилингандан буён ўтган қисқа вақт ичида бир қатор муҳим ташкилий ишлар амалга оширилди. Республика давлат солиқ қўмитасида, вилоятлар давлат солиқ бошқармаларида назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи бошқарма ва бўлимлар тузилди. Минтақавий ишчи гуруҳлари ҳамда назорат қилувчи идоралар ҳамкорлиги Фармон ижроси устидан назоратни кучайтиришга бағишланган семинар-йиғилишлар ўтказилди, белгиланган режаларнинг бажарилишини таъминлашга қаратилган маслаҳатлар берилди.

Бундан ташқари жойларда Фармоннинг аҳамиятига бағишланган бир қатор тезкор сўровлар ўтказилди. Сўралган кишилар Фармондан сўнг текширувлар тартибга тушаётганлигини ва кераксиз тафтишлар камайганлигини таъкидладилар.

Лекин шунга қарамай айрим жойларда ҳамон ноқонуний текширувлар давом этаётганлиги мажлисда ташвиш билан тилга олинди. «Пахтабанк»нинг Бектемир тумани бўлими, «Ўзсаноатқурилишбанки»нинг Сирғали тумани бўлими сентябрь-ноябрь ойларида республика кенгаши билан келишмаган ҳолда бир қатор тижорат корхоналарида текширувлар ўтказганлар.

«Ўзқишлоқсаноатэлектрпайвандлаш» трести аудит маркази аудитори Ж. Зулпанов эса Жиззахдаги 232-кўчма механизациялашган колонна фаолиятини текшириш чоғида ўз ваколат доирасидан чиққан ҳолда омбор ва кассани муҳрлаб ҳужжатли тафтиш ўтказмоқчи бўлган. Лекин унинг бу ноқонуний ҳатти-ҳаракатларига вилоят давлат солиқ бошқармаси ишчи гуруҳи чек қўйди. Шундай қонунбузарликка «Ўзгўштсаноат» уюшмаси аудит маркази аудиторлари ҳам йўл қўйганлар. Улар Жиззахдаги учта корхонанинг молия хўжалик фаолиятини тафтиш этмоқчи бўлганлар. Вилоят давлат солиқ бошқармаси ишчи гуруҳининг ҳушёрлиги билан бундай ноқонуний текширувларнинг олди олинди.

Мажлисда кенгашнинг 1997 йил учун иш режалари, ўтказиладиган текширувларнинг режа-жадвали тасдиқланди. Кенгашнинг низомига баъзи ўзгартиришлар киритилди.

Ж. НОСИРОВ,
Давлат солиқ қўмитаси матбуот хизмати раҳбари.

Қимматбаҳо қоғозлар

ХИФЛАРНИНГ ДАСТЛАБКИ КИМОШДИ САВДОСИ

Яқинда бўлиб ўтган ХИФларнинг биринчи маротаба ўтказган кимошди савдосида Ўзбекистоннинг талайгина фуқаролари ҳам иштирок этди. Унда ХИФлар хусусийлаштирилган корхоналарнинг акцияларини сотиб олди. Шу куни савдода қатнашган фуқароларнинг бир қисми мулкдорлар сафига қўшилди. Кимошди савдосида ХИФларнинг жами тўртта, яъни «Файкон», «Камалак», «Капитал-инвест» ва «Туркистон-инвест» бошқарувчи компаниялари иштирок этди.

Савдога Тошкент вилоятидаги «Дори-дармон», пойтахтдаги «Марказ», «Янгийўлғмой», Олмалиқдаги «Ширинлик» ҳиссадорлик жамиятларининг акциялари қўйилган эди. Кимошди савдосида жами 46,541 та акция сотилиб, умумий савдо миқдори 6.727.748 сўмни ташкил этди. Айтиш мумкинки, ХИФлар ва уларнинг бошқарувчи компаниялари акцияларини сотиш бўйича энг оғир синовдан ўтди. У ана шу савдога бор-йўғи уч ҳафта тайёргарлик кўрган эди. Натижа эса кутилганидан ҳам зиёда бўлди. ХИФлар ушбу кимошди савдосига қадар ҳам ваколатли фонд дўконлари орқали ўзларининг белгиланган низом фондидан бир неча баравар кўп миқдорда акцияларини сотишга муваффақ бўлган эди. Энг муҳими эса ХИФлар акцияларининг сотиш ҳажми оша бориши билан қимматли қоғозлар бозори янада фаоллаша бошлади. Чунки ўрта ва йирик корхоналарнинг анчагина акцияси сотилишининг ўзиёқ бозорни сезиларли даражада жонлантирди. Иккинчидан, аҳоли маблағи -- «жонли» пул оқиб кела бошлади. Дарвоқе, айрим ХИФлар иккинчи эмиссия ҳажмини 100 ва ҳатто 500 миллион сўмга етказиш ниятида. Учинчидан, шу пайтгача бозоримизда унчалик маълум бўлмаган бошқарувчи компаниялар мисолида янги инвестиция ташкилотларининг бутун бир тармоғи пайдо бўлади. Шуни айтиш лозимки, бу компаниялар бутун республика бўйлаб ташкил этилади. Ва, ниҳоят, аҳоли қимматли қоғозлар бозорини янада катта эътибор билан кузатади ҳамда ХИФлар Дастурнинг амалга оширилишига қараб бозорда иштирок этади.

Шуни яна бир марта қайд этиш лозимки, бизнинг ҳар биримиз ҳар бир ХИФнинг юзта акциясини сотиб олишга ҳақлимиз. Шу тариқа фуқароларнинг тенг ҳуқуқлигига риоя қилинади. Акцияларнинг нархи арзон бўлгани билан уларга ажратилган маблағлар муайян корхоналарнинг акциялари билан таъминланган. ХИФларнинг акцияларини сотиб олган ҳар қандай киши қўшимча даромад олиш имкониятига эга бўлади.

Б. ОСТОНАҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

УМРИ БОҚИЙ БУЮК ДОСТОН БЎЛ!

(Давоми. Боши 1-бетда).

иқтисодий майдонида тоғдек кўкрак кериб турган мамлакатимга боқаман. Кўнглим қувончларга тўлади. Ростдан ҳам худо берган юрт бу, Аллоҳ алқаган тупроқ бу. Унинг қайси жиҳатини олманг, иқтисоди, маданияти, тарихи, тили, географик жойлашиши, халқи, буюк фарзандлари, худди Гўри Амир гумбазидаги нурли йўллар бир нуқтада жам бўлгандек, барча- барчаси бир жойга олиб борали, бунинг номи Улуғликдир. Ана шу Улуғликнинг намоён бўлиши осонликча кечаётгани йўқ. «Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистоннинг суверенитети, демократик тараққиёти ва гуллаб- яшнашидан тўғридан-тўғри ва моддий манфаатдордир. Биз Ўзбекистонни Ўрта Осиёдаги етакчи давлат деб биламиз, чунки у-- бозор муносабатлари тараққиёти ва ҳамкорликнинг ҳаракатлантирувчи омили бўлишга қодир имкониятга эга мамлакат. Шу боис Ўзбекистон билан ҳамкорлигимизни Евроосиёдаги сиёсатимизнинг энг муҳим қисми сифатида кўзда тутамиз... » Бу сўзлар дунёнинг буюк мамлакатларидан бири Америка Қўшма Штатларининг Президенти Билл Клинтонга тегишлидир. «Биз Ўзбекистонни Ўрта Осиёдаги етакчи давлат деб биламиз», дейди АҚШ Президенти. Биз, Ўзбекистон фуқаролари, бундай эътирофлардан ғурурланамиз, албатта. Бари танланган йўлнинг оқил ва тўғри эканлигида, Ўзбекистон раҳбариятининг узоқни кўзлаб сиёсат юритишиладир. Шу туфайли Ўзбекистонга бўлган қизиқиш кучайганан кучайиб бораётир, Ўзбекистон билан иқтисодий, маданий алоқалар боғлашга интилган мамлакатлар сони ошиб бормоқда. Бу қутлуг жараён ва у тўхтов билмай давом этажак, иншоолloҳ. Америка сафари вақтида ўзим ҳам ана шу жараённинг гувоҳи бўлдим.

Вашингтон университети профессори, Тошкент Давлат Университети Фахрий доктори Илзахоним Сиртаутас Ўзбекистоннинг дўсти ва жонкуярларидан бири сифатида маълум. У кўп йиллардан бери Марказий Осиё тиллари ва маданиятини ўрганиш Ёзги программаси раиси бўлиб ишлаб келади. Бу программада ўзбек, қозоқ, қирғиз ва тожик тиллари ўқитиб ўргатилади. Профессор ташаббуси билан бу йил «Марказий Осиё ёзувчилари ва зиёлилари советлар даврида» мавзуида мухтасар курс ташкил этилди, уни ўқиш каминага топширилди. Юртимизнинг Россия томонидан босиб олиниши: Дукчи Эшон, Жиззах қўзғолонлари, жадидчилик, босмачилик деб хато номланган халқ озодлик ҳаракати, Сталин қатағонлари, эрувгарчилик даври, 80-йиллар қатағони, ниҳоят Мустақилликка эришилган йиллар ҳақидаги маърузалар қизиқиш билан тингланди, ҳар бир маъруза ўнлаб саволлар пайдо қилар эди. Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Усмон Носир каби улуғ адибларимиз бошларига тушган қора кунларни билишиб, америкалик талабалар, инсонга шу қадар ёвузларча муносабатда бўлиш мумкинлигини тасаввур этиша олмас, фақат,«Наҳотки шундай бўлган бўлса? Наҳотки?..» деб ҳайратдан ёқа тутар эдилар. Ушбу мухтасар курс маърузаларини ёзар экан, ўзим ҳам бир нарсани кузатдим. Ўзбек маданият арбоблари, ёзувчилари ва зиёлилари, ота-боболаримиз, устозларимиз шунчалар даҳшатли жараёнларни бошдан кечириб, қанчалар оғир шароитларда яшаганларига, не-не сиёсий ўйинлар, лўттибозликлар домига тортилганларига қарамасдан, яна ўзларида қалам ушлашга саботу тоқат топганларига қойил қолдим. Шундай шароитларда яшаганларига қарамай,улар катта адабиёт яратда олдилар. Бунга ҳайратланмай ва тан бермай илож йўқ. Фитрат, Усмон Носир, айниқса,Абдулҳамид Чўлпоннинг оловли шеърлари амриқолик талабаларга жуда ҳам ёқиб қолди. Унинг шеърларини ёдлаб олишганларини, айтиб юришганларини кўриб, ҳам ватандошлик туйғуси, ҳам фуқаролик ғурури дил-дилимни шуълаларга чулади... Ўзбекистоннинг истиқлолга эришганлиги ҳақидаги маърузамда Президент Ислом Каримовнинг 1991 йил 30 декабрда Олий Кенгаш 1Х сессиясида ғурур билан айтган ушбу сўзларини келтирдим: «Маънавий ҳаётимизда уйғониш юз берди. Тарихни тикладик. Она тилимизни англадик. Улуғ боболаримиз руҳини шод этдик. Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир сингари халқ жигарбандларининг номи, иззат-икроми, ҳурмати ўз жойига қўйилди...» Нечоғлик фахру ифтихор эттанимни ҳозир ҳам яхши эслайман.

Ҳар бир юртни унинг фидойи фарзандлари дунёга танитади. Бу фикр, айниқса, Ўзбекистонга тегишлидир, деб ҳисоблайман. Бугун АҚШда Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Ал-Хоразмий, Ибн Сино, Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий деган номлар ва атамалар машҳур. Бу номлар, рамзлар айтилиши билан тингловчида Ўзбекистон ҳақида муайян тасаввур пайдо бўлади. Даставвал ҳазрат Амир Темур Кўрагон ҳаётига бағишланган бир ой давом этган, ўзига хос «Амир Темур ойлиги» ҳақида бир-икки оғиз сўз. Америка Қўшма Штатларида, нафақат АҚШда, балки бутун жаҳонда ҳам Амир Темурни улкан империя тузган саркарда, фотиҳ, айрим ҳолларда ярим афсонавий шахс сифатида тасаввур қиладилар, кўпроқ унинг ҳарбий юришларига урғу берадилар. Вашингтон университетида ўтган бу ойлик маърузаларида Амир Темурнинг шахси, шахсий ҳаёти, қабиласи, пойтахти, унинг ҳаёти ва даврини ўзида акс эттирган манбалар ҳақида сўз кетди. Энг муҳими, бу маърузалар Амир Темур Ватанининг бугунги турмуши билан чамбарчас боғланиб олиб борилди. Ойликнинг охирги йиғини томоша залида бўлди: Ўзбекистон мустақиллиги тўрт йиллиги тантаналари акс эттирилган видеотасма намойиш этилди, бунда катта рамзий маъно жойланган эди.

Ёзги тил ўрганиш программалари профессор Илзахоним тарафидан ишлаб чиқилган. Ўзбек тили программасига ўқув материаллари сифатида кўп адибларимиз асарларидан намуналар киритилган. Муаллиф, жумладан, Президент Ислом Каримов мақолаларига ҳам мурожаат қилади. Масалан, юртбошимизнинг «Ўзбекистоннинг келажаги буюклигига ишончим комил» деб номланган МДҲдаги хорижий мухбирлар халқаро учрашуви билан суҳбати ўқув материали сифатида ўрганилади. Суҳбат етти қисмга бўлинган, ҳар бир қисм бир кун ўрганилади. Ҳар бир қисм матни инглизчага таржима қилинган, унга луғат берилган, шунингдек машқ учун саволлар тавсия этилган. Тасаввур учун, суҳбатнинг учинчи қисмини келтириб ўтай: **«Роз Бреди, «Бизнесс уик» журнали, АҚШ:** Президент жаноблари, Америкада чиқадиган «Бизнесс уик» газетасини иккита масала қизиқтирмоқда. Ўзбекистонда ишбилармонлар сиқувга олинмоқда, деган хабарлар бор. Республика раҳбариятининг ишбилармонлик тузилмаларини чеклаш дастури борми? **Президент:** Эҳ мол, мен қайта такрорлаётгандирман. Ам.ю Конституциямизда хусусий мулк тақиқланиши у ёқда турсин, балки давлат томонидан муҳофаза қилинади, деб ёзиб қўйилган. Мен бундай гап-сўзлар қаердан чиққанини биламан. Бизда (бундайлар қаерда йўқ дейсиз?) «давлатни қайта қуриш» тарафдорлари бор. Бюрократия бизда ҳам етарли экани табиий. Бозорга ўтиш даврида эса у ўзини, айниқса, тажовузкорона тутмоқда. Сизларда ҳам шундай бўлган эди. Бозор муносабатлари ҳеч қаерда осонгина, силлиққина жорий қилинган эмас. Шу боисдан, ислоҳот мухолифлари пайдо бўлаётгани ҳам муқаддас табиийдир».

Ушбу матнга қўйилган саволлар илова қилинган: «1. Роз Бреди ишбилармонлар ҳақида қандай савол берди? 2. Хусусий мулк ҳақида Ўзбекистон Конституциясида нималар ёзилган экан?» Саволлардан сўнг луғат берилган -- унда қирқ бешта сўз ва ибораниг ўзбекча-инглизча таржимаси бор. Кейин матннинг тўлиқ инглизча таржимаси келтирилади. Хуллас, етти қисмнинг барчаси шу йўсинда таёрланган. Шунингдек, ЎзТВ «Ахборот» дастурининг 1995 йил 12 апрелдаги Германия Президенти Роман Херцогнинг Ўзбекистонга сафари ҳақидаги сони ва Президентимизнинг шу ташриф ҳақида мухбирлар саволларига берган жавоблари ҳам ўқув материаллари қаторидан жой олган. Бу материаллар тил ўрганишда қўл келишдан ташқари, давлатимиз сиёсати, озод Ўзбекистон ва унинг бугунги куни ҳақида тўғри тасаввур бериши билан ҳам муҳимдир.

Шу йил апрель ойида АҚШнинг Миннеаполис шаҳрида «Марказий Осиё республикаларида янгиланиш ва демократлашиш жараёни» деган номда конференция бўлиб ўтди, насибам қўшилиб, мен ҳам унда иштирок этдим. Конференцияда Ўзбекистонимиз ҳақида жуда яхши гаплар айтилди, хусусан, маҳалла -- демократиянинг ўзига хос йўли эканлиги таъкидлаб ўтилди. Ўзбекистоннинг бадавлат мамлакат эканлиги ҳам назардан қочмади, хуллас, Ўзбекистоннинг бугунги ҳаёти диққат марказида бўлди. АҚШ Президенти Билл Клинтон сўзлари билан айтганда, конференция қатнашчилари «Ўзбекистонни Ўрта Осиёда етакчи давлат деб биллдилар», бу нарса қилинган маърузаларда сезилиб турди.

Яна бир ёдимда қолган ҳолиса ҳақида айтмасдан ўтолмайман. Гап Президентимизнинг Америка Қўшма Штатларига қилган расмий сафари ҳақида боради. Президентимизнинг ушбу сафарига бағишланиб Сиэтлда ҳам бир қанча тадбирлар ўтказилди. Шундай бўлиши табиий, чунки Сиэтл пойтахтимиз Тошкент билан биродарлашган шаҳар, бу шаҳарда Ўзбекистоннинг дўстлари кўп. Шу пайт «Боинг» авиакомпанияси Ўзбекистон учун учта авиалайнер тайёрламоқда, деб эшитган эдим, хусусан, бу ҳақда «Боинг» корхонасига ташриф буюрганимда ҳам эслаб ўтдилар. Ҳозир бу авиалайнерлар Ўзбекистонга етиб келган. Президентимизнинг АҚШга сафар қилишларидан, айниқса, профессор Илзахоним ниҳоятда хурсанд эдилар. Юртбошимизнинг «Туркистон -- умумий уйимиз» деган қутлуг шиори АҚШдаги Ўзбекистон дўстларига жуда маъқул келди. Профессор Илзахоним ушбу улуғ ғояни ниҳоятда ҳаётий деб топди ва унинг бегараз тарғиботчисига айланди. У университетнинг муҳташам кўргазма залида «Туркистон -- умумий уйимиз» деган номда бадиий кўргазма ташкил қилди. Кўргазмада Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркманистон республикаларига оид санъат ва маданиятга тегишли экспонатлар қўйилди. Экспонатлар ўртасида Туркистон рамзи бўлган улкан, иддизи бақувват чинор дарахти сурати кўзга ташланар эди. Ушбу кўргазмани жуда кўп кишилар келиб томоша қилдилар. Буларнинг, барчаси Ўзбекистон Республикаси Президентига бўлган ҳурмат, иззат-икром белгиси, демакки Она Ватан -- Ўзбекистонга ҳурмат белгисидир. Ҳурмат бўлганда ҳам, самимий ҳурмат белгисидир.

Юқорида профессор Илзахоним Сиртаутасни «Туркистон -- умумий уйимиз» ғоясининг бегараз тарғиботчиси эканлигини эслатиб ўтдим. Шу маънода Илзахонимнинг бир орзусини айтиб ўтиш лозимга ўхшайди. Унинг фикрича, Тошкентда бутун Марказий Осиё нашрл

ҚИШЛОҚ ТЕХНИКАСИ:

ИЗЛАНИШ ВА МУАММО

(Давоми. Боши 1-бетда).

Демак, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти эгат оралиғи 80х40 см схемасини тадқиқ этишни тезлаштириши ва зарур тавсияларни бериши лозим. Ўз-ўзидан маълумки, экиш схемаси ўзгаргач, чопиқ тракторларини ҳам шунга мослаштириш лозим бўлади. Шу боис институт тўрт ғилдиракли тракторлар синовини ҳам жадаллаштириши зарур.

Юқори ҳосилли майдонларда горизонталь шпинделли терим машиналари юқори самара билан ишлашини ҳисобга олиб, 1997 йилда 100 дона ХМГ-04 русумли қурама пахта териш машинасини ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда. Улар Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмасидаги мавжуд техника шассисига «Кейс» фирмасининг терим аппаратини ўрнатиш йўли билан тайёрланади. Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлари академияси, Қишлоқ хўжалик вазирлиги, «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттаъмир» манфаатдор ташкилотларни жалб этган ҳолда ана шу машиналарни яратиш, синаш, имкониятларини баҳолаш ва улардан самарали фойдаланиш йўл-йўриқларини ишлаб чиқаришлари лозим.

Умуман, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши учун янги замонавий техникаларни яратиш, мавжудларини мослаштиришда асосий оғирлик «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» компанияси зиммасига тушади. Чунончи, у 90 см экиш схемаси учун «Кейс» трактори базасида қурама пахта териш машиналарининг тажриба нусхаларини тайёрлаб, синаб кўриш учун уни республика машина синаш станциясига тақдим этиши керак.

Маълумки, бошоқли дон экинлари ҳосилининг 80 фоизи комбайнлар ёрдамида бир йўла ўриб-янчилади, қолган 20 фоизи (суғориладиган ерларда) аввал ўриб, кейин янчилади. Шуни ҳисобга олиб, «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» компанияси комбайнларнинг хедерлари ва ўриш машиналарини ишлаб чиқариши зарур.

ҚАЙСИ ТЕХНИКА ЎЗИМИЗДА ТАЙЁРЛАНИШИ, ҚАЙСИНИСИ ХОРИЖДАН ОЛИБ КЕЛИНИШИ КЕРАК?

ЎзҚХФАнинг вице-президенти Р. Ҳусанов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг юқорида тилга олинган қарори айни вақтида қабул қилинганлиги ва бу муҳим ҳужжат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини техника билан мукаммал қуроллантиришга катта ёрдам беришини алоҳида таъкидлади.

-- «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» компаниясида ушбу қарорни амалга ошириш юзасидан вужудга келган ҳозирги вазиятни, шунингдек, олимларнинг саъй-ҳаракатлари билан ечиш лозим бўлган муаммолардан келиб чиққан ҳолда баъзи мулоҳазаларимни баён этмоқчиман, -- деди Р. Ҳусанов. -- «Кейс» фирмасининг «Максум» тракторлари базасида яратилган ТТЗ-100 тракторларидан самарали фойдаланиш бирмунча мушкул. Негаки, ушбу тракторлар 60 см схемасида экилган экинларга ишлов беришга мос келмайди. Шу муносабат билан Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш институти ва Пахтачилик илмий-тадқиқот институти пахтани 80х40 см схемасида етиштириш борасидаги тажриба ишларини тезроқ ниҳоясига етказиши ва илмий асосланган технологияни тақдим этиши лозим. Бундай схемада экишга ўтиш тўрт ғилдиракли тракторларни яратиш ва фойдаланиш, тупроққа кенг қамровда ишлов бериш ва экиш машиналарини қўллаш, шунингдек, ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имконини беради.

3-4 классли «Магнум» (АҚШ) тракторлари базасидаги умумфойдаланишдаги ғилдиракли тракторлар сернам келган фасллар, яъни кузги-қишки ва эрта баҳорги ишларни тўла бажаришни таъминламайди. Шунинг учун умумфойдаланишдаги тракторларнинг камида 30 фоизи занжирли бўлиши керак. Шуни ҳисобга олиб, «Олтой» трактор заводининг Т4А тракторими ёки АҚШнинг «Челенжер-55» тракторими» деган масалада олдиндан бир тўхтамга келиш зарур. Бунинг учун эса «Челенжер-55» тракторларини сотиб олиб, синовдан ўтказиш керак бўлади.

Ғаллачилик, шоличилик, сабзавотчилик, картошкачилик, боғдорчилик, узумчилик соҳаларида ишлатиладиган машина-механизмларнинг камчилик ва нуқсонлари оз эмас. Бу соҳалардаги айрим иш жараёнлари ҳанузгача механизациялаштирилмаган. Бинобарин, олимлар ва конструкторлар бу муаммоларни ҳал этиш учун тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини кучайтиришлари лозим.

Бундан ташқари шу экинларда қўлланиладиган сеялка, культиватор каби бир қатор оддий машина-механизмлар ҳам хорижий мамлакатлардан келтирилади. Ҳолбуки, уларни республикадаги корхоналарда ишлаб чиқариш мумкин. Бунинг учун шу машина-механизмларнинг рўйхатини аниқлаш зарур.

Тупроқнинг унумдорлигини сақлаш ва уни оширишда ерларни мелиорациялаш муҳим ўрин тутади. Шунинг учун мелиорация ишларида қўлланиладиган техника воситаларини етарлича ишлаб чиқариш масаласини тезлик билан кўриб чиқиш зарурати сезилмоқда. Бунинг учун қайси техникаларни ўзимизда ишлаб чиқариш, қайси турларини эса четдан олиб келиш лозимлигини аниқлаб олиш керак.

Кейинги йилларда бошоқли дон экинлари майдонининг кенгайтирилганлиги, уларни суғориш технологиясини такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Чунончи, бир гектар майдондан 50--60 центнер ҳосил олиш учун 2,5-3,0 минг куб метр сув талаб қилингани ҳолда амалда 8-8,5 минг куб метр сув сарфланмоқда. Шу муносабат билан ёмғирлатиб суғориш машиналари билан таъминлаш, келажакда эса уларни республика корхоналарида ишлаб чиқариш масаласини ижобий ҳал этиш зарур.

Шунингдек, пахта, бошоқли дон, сабзавот, картошка, мева каби маҳсулотларни ташиш масаласи ҳам ўз ечимини кутмоқда. Афтидан, уларни ташиш чоғида беҳуда нобуд бўлишига йўл қўймайдиган, сифатини тўла сақлашни кафолатлайдиган махсус контейнерлар яратиш йўлидан бориш лозим кўринади. Демак, бу борада илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини олиб бориш зарур. Олимлар ва конструкторлар куч ва ғайратларини шу муаммо ечимига қаратсалар фойдадан холи бўлмасди.

Бироқ бозор муносабатлари шароитида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида техника етарли бўлишининг ўзи кифоя қилмайди. Асосий гап ушбу техника воситаларининг замонавийлиги, яъни қулайлиги, пишиқ-пухталиги, узоқ йиллар самарали ишлашидадир. Бинобарин, конструкторлар ва машинасозлик заводлари янгидан яратиладиган ва серияли ишлаб чиқариладиган машина-механизмларнинг ҳам ички, ҳам ташқи бозорда рақобатбардош бўлишига асосий эътиборни қаратмоқлари лозим. Яъни миллионлаб маблағ сарфланадиган корхоналарни нафақат ўз эҳтиёжларимизни қондириш, балки келажакда экспорт қилишни ҳам ҳисобга олиб барпо этмоқ зарур.

МУҲИМИ МУАММОЛАРНИ САНАШ ЭМАС, АМАЛИЙ ИШГА КИРИШИШДА

-- Аввало, бизга қандай русумли тракторлар керак, деган масалада бир тўхтамга келиб олишимиз лозим, -- деди республика қишлоқ ва сув хўжаликлари вазири М. Жўманиёзов. -- «Кейс» фирмаси билан олиб борилаётган ишлар айни муддао. Худди шунингдек, бошқа таниқли фирмалар билан ҳам ҳамкорликни йўлга қўйишимиз керак.

Аммо хориждан замонавий технологияларни келтириш билан бир вақтда ўзимизда ҳам янги-янги қишлоқ хўжалик машиналарини яратиш ва ишлаб чиқариш иқтисодий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳам эсдан чиқармаслик лозим. Етакчи хорижий фирмалар тажрибасидан фойдаланиб, ўз тракторларимизни яратиш учун чет эл технологиялари ва ишлаб чиқариш линияларини мавжуд заводларимизда ўрнатиш зарур. Ана шунда ўзимизда жаҳон андозалари талабларига жавоб бера оладиган тракторлар ишлаб чиқаришга эришилади.

Афсуски, бизда шолини кўчат қилиб экадиган оддий машина ҳам йўқ, ҳанузгача. Ҳолбуки, бундай машина яратиш у қадар мураккаб иш эмас. Шунингдек, бизда қишлоқ хўжалик экинлари зараркунандаларига қарши кураш жиддий муаммолигича қолаётганлигига сабаб ҳам бу соҳада арзирли техника воситаларининг йўқлигидир.

Умуман, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини замонавий техника воситалари билан таъминлашнинг бугунги аҳволи ҳақида сўз юритилар экан, бошқа бир қатор хато ва камчиликларни санаб ўтиш мумкин. Бироқ гап уларни санаш эмас, балки амалий ишларга тезроқ киришишда. Масалага шу нуқтаи назардан ёндашиладиган бўлса, таъкидлаш жоизки, бундай долзарб мавзудаги йиғилишнинг аввало олимлар ва мутахассислар ташаббуси билан манфаатдор вазирлик ва идоралар ҳамда бевосита корхоналар вакиллари иштирокида қолаверса, айнан республика Фанлар академиясида ўтказилганлиги унинг амалда самара беришига умид уйғотади. Зеро, академияда ушбу муаммо билан шуғулланувчи эътибор қозонган олимлар гуруҳи тўпланган. Уларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари муаммолар ечимини тезлаштиришига шубҳа йўқ.

Йиғилишда, шунингдек, чигитни плёнка остига экиш усулини ҳамма вилоятларга кенг ёйиш, унга мос технологияни ишлаб чиқиш ва янги техника воситаларини (жумладан, сеялка) яратиш, пахта териш машиналари шпинделларини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалик машинасозлиги тараққиёти истиқболини белгилаш марказини ташкил этиш каби яна бир қатор муҳим таклиф-мулоҳазалар билдирилди. Эндиги вазифа уларнинг долзарблиги ва мураккаблигини ҳисобга олган ҳолда умумлаштириш, таҳлил этиш ва энг тўғри хулосалар чиқаришдир. Бунда барча манфаатдор томонларнинг куч-ғайратларини уйғунлаштириш қишлоқ хўжалик машиналарининг илмий-техник жиҳатдан асосланган, ҳар томонлама самарали турларини яратиш ва истиқболдаги тараққиётини таъминлаш имконини беради.

Шунингдек, йиғилишда етакчи олимлар, мутахассислар, манфаатдор вазирликлар, идоралар ва тармоқ корхоналари вакиллари иштирокидаги бундай кенгашларни вақти-вақти билан ўтказиб туриш хусусида келишиб олинди. Бу қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига замонавий техника ва технологияларни мунтазам жорий этиб бориш имконини беради.

Йиғилишда олимлар, мутахассислар, қишлоқ хўжалик машиналарини ишлаб чиқарувчилардан иборат гуруҳлар тузиб, замонавий қишлоқ хўжалик машиналарини яратиш ва ишлатиш бўйича илғор технологияларни ўрганиш учун хорижий фирмаларга юбориб туриш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,
«Халқ сўзи»нинг қишлоқ хўжалик мажмуи бўйича шарҳловчиси.

Ш. Рашидов туманидаги М. Бобур номли парранда-чилик ҳиссадорлик жамиятида товуқ боқиш йўлга қўйилди. Ҳозирнинг ўзида бу ерда 12 минг бош товуқ бор. Янги йилдан бошлаб аҳолига тухум етказиб берила бошлайди.

СУРАТЛАРДА: Н. Бердимбетов (чапдан), бош чорвашунос А. Усмонов; жўжа очириш цехи мутахассиси С. Сулаймонов.

Н. АЛМУРОДОВ тасвирга олган.

Тошкентдаги омбордан кўп рангли нашрлар учун юқори сифатли

ҚОҒОЗ

узлуксиз сотилади.

Ҳажми - 60, 62, 70, 72, 84
қалинлиги - 55 дан 235 г/кв. м. гача.

Шунингдек,

- нусха олиш учун А4, 80 г/кв.м. ҳажмли қоғозлар, боғлами 2,5 кг. (500 варақ) - 550 сўм;
- юз фоиз оппоқ ёзув қоғози, ҳажми А4, боғлами 1 кг.

Тел./факс: (3712) 44-76-04, 44-76-05, пейдж (067) 2729, 9108.

11_08

СИФАТИ ЯХШИЛАНДИ

«Намангансут» ҳиссадорлик жамиятида Голландиядан келтирилган қадоқлаш цехи фойдаланишга топширилди.

Эндиликда корхонада сут 250--500 ва бир литрлик махсус қоғоз идишларга қуйилиб, савдо тармоқларига чиқарилмоқда. Бу олий навли маҳсулот эса ҳаммага маъқул бўлмоқда. Негаки, янги цех ишга тушиши муносабати билан сутнинг сифати кескин яхшиланди. У одатдагидан кўра узоқроқ сақланадиган бўлди.

А. МАДАТОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

СОФ ФОЙДА -- 1,5 МИЛЛИОН

Тахиатош таъмирлаш-механика заводи Қорақалпоғистондаги энг етакчи корхоналардан биридир.

Мазкур заводда сув ва қишлоқ хўжалиги техникалари, транспорт воситалари таъмирланиб, сув иншоотлари ва дюкерларнинг ускуналари, йиғма темир-бетон маҳсулотлар тайёрланади.

Меҳнат аҳли 9 ой мобайнида 26 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, 1,5 миллион сўм соф фойда олди. Улар янги йил арфасида яна 9 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаш ва турли хизматлар кўрсатиш йўлида астойдил ишламоқдалар.

Ҳайитбой АБДУСОДИҚ,
«Халқ сўзи» мухбири.

❖ давдарах ❖ ҳабдолар оқимидан ❖ ҳабдолар оқимидан ❖ ҳабдолар оқимидан

Маълумки, шу йил 4 январда Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган мажлисда мамлакатимиз Президенти И. Каримов футболимиз обрўси жаҳон миқёсида тобора ошиб бораётган юртимиз нуфузига мос бўлсин деган ғояни ўртага ташлаган ва олий ҳамда биринчи лига жамоалари фаолиятини профессионал клублари асосида қайта ташкил этиш ташаббуси билан чиққан эди. Орадан бироз вақт ўтиб, яъни 17 январда мамлакатда оммавий ва профессионал футболни янада ривожлантириш, унинг моддий базасини мустаҳкамлаш, футболчилар янги авлодини тайёрлаш ва тарбиялаш, Ватанимиз футболининг халқаро нуфузини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди. Мана, орадан бир футбол мавсуми ўтди. Хўш, Президентимиз ташаббуси асосида қабул қилинган қарор жойларда қандай амалга оширилаяпти? Шуни ўрганиш мақсадида биз Ўзбекистон футбол федерациясининг бўлим мудири М. Ҳошимов, Давлат Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси вакили С. Бўриев билан Қашқадарё вилоятида амалга оширилаётган ишлар билан танишдик.

Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатда футболни янада ривожлантириш тўғрисидаги 17 январда қабул қилинган қароридан келиб чиқадиган вазифалар асосида Қашқадарё вилоят ҳокими 26 январдаёқ ўз қарорини қабул қилган. Вилоят футбол федерацияси йил давомида тўқиз марта йиғилиш ўтказиб, уларда стадионлар қурилиши ва таъмир ишлари, профессионал клублар шарт-шароитини яхшилаш, футболнинг вилоятда оммавийлашувини таъминлаш, жамоаларнинг молиявий муаммоларини ўз вақтида ҳал қилиш, мусобақалар давомида жамоатчилик тартибини сақлаш, футбол кийимлари ишлаб чиқарувчи кичик корхоналарни ташкил этиш, болалар ва ўсмирлар жамоаларини шакллантириш жараёнлари муҳокама қилинган. Тўғри, футболни фақат қарор қабул қилиш ёки турли йиғилишлар ўтказиш билан ривожлантириб бўлмайди. Ҳамма гап шу қарор ва йиғилишларда қайд этилган масалаларнинг ҳаётда қандай ўз ўрнини топаётганлигида. Уни биз шартли равишда бўлимларга бўлиб таҳлил қиламиз.

ПРОФЕССИОНАЛ КЛУБЛАР

Қашқадарё вилоятининг етакчи футбол жамоаси -- «Машъал» (Муборак) йил бошида профессионал клуб сифатида қайта ташкил этилган. Клуб ўз Низоми ва жамғармасига эга. Муборак газ ишлаб чиқариш заводи клубнинг бош муассиси ҳисобланади. Қарордан сўнг клуб қошида ўринбосарларни тайёрлаб берувчи иккита фарм клуб («Машъал-2», «Машъал»-3») ташкил этилган. Жамоа ўз ўқув-машғулотлар ўтказиш ва соғломлаштириш базасига эга. Базада етарлича шарт-шароитлар яратилган. Командага хизмат кўрсатувчи техникалар ажратилган. Жамоа стадиони эса республикамиздаги ҳавас қилса арзигилик стадионлардан бири. Уни ташқи кўринишидан чўл бағрида сузиб бораётган кемага қиёслаш мумкин. Стадионда жуда катта таъмирлаш ишлари амалга оширилган. Умуман олганда «Машъал» клуби учун деярли барча шарт-шароитлар яратилган.

Шундай қулайликларни биз вилоятда профессионал клуб асосида шакллантирилган «Динамо-Насаф», «Шўртан» жамоаларининг фаолият тизимида ҳам кўрдик. Бир қараганда клублар фаолиятини профессионаллаштириш ишлари қониқарли тарзда олиб борилаяпти. Лекин профессионал клублар ташкил этилди дегани бу том маънода профессионал фаолиятга ўтилди дегани эмас. Бугун профессионал клуб асосида қайта ташкил этилган жамоалар эртага ўзини-ўзи бошқарадиган, молиявий масалаларини ўзи ҳал этадиган мустақил жамиятга айланмоғи керак. Шунинг учун биз Қашқадарё вилоятининг ҳар уч клуби ҳисоб-рақамига муассислар ва ҳомийлар томонидан ўтказилган маблағлар нималарга ишлатилаётганлиги билан қизиқдик. Тўғри, бу борада ҳам ўзига хос ютуқлар қўлга киритилган. Жумладан, «Машъал» клуби Низом жамғармасидаги маблағни айланма оборотга қўйиб, ундан 3 миллион сўм фойда кўрган. «Шўртан» клуби ўзининг иссиқхона хўжалиги ва учта савдо дўконини очиб 410,9 минг сўм, «Динамо -- Насаф» клуби эса ўз тадбиркорлик фаолиятидан 1 миллион сўм қўшимча фойда топган. Бу кўпми, озми? Агар клубларимиз энди профессионал фаолиятга ўта бошлаганини, биринчи марта бундай йўлдан борилаётганлиги ва улар бу борада етарлича тажрибага эга эмасликларини инобатга олсак бу қониқарлидир. Лекин бу кўрсаткич йилдан йилга ошиб бориши керак. Шу ўринда нафақат Қашқадарё футбол клублари, балки профессионал фаолиятини бошлаган республикамизнинг барча клубларига хос бўлган бир тушунмовчиликни таъкидлаб ўтиш жоиз. Йил бошида клублар ҳисоб-рақамига муассислар томонидан пул туша бошлаши билан клуб раҳбарлари бу маблағларни жамоанинг шу бугунги эҳтиёжларига, яъни жамоанинг сафар ўйинларига бориб-келиш, кийим, маош ва бошқа харажатларига сарфлай бошлашди. Ваҳоланки, клуб Низом жамғармасидаги маблағ жамоанинг бугунги харажатларига эмас, балки ишлаб чиқаришга сарфланиши лозим эди. Бошқача айтганда Низом жамғармасидаги маблағ фақат маблағ топиши, бугунги 1 сўм эртага 2 сўм бўлиши керак. Қачонки, Низом жамғармасидаги маблағ фойда келтира бошлагачгина олинган фойдадан футболчиларни рағбатлантириш, жамоа ўйинини шакллантириш мақсадида тижорат турнирлари уюштириш ёки ўринбосарлар тайёрлаш мақсадлари учун фойдаланиш мумкин. Жамоанинг бугунги харажатлари, яъни маош, чемпионатнинг сафар ўйинларига бориб-келиш, кийим, тўп каби харажатларни ҳомийлар кўтариши керак. Шунинг учун ҳам янги ташкил этилган профессионал клубларга йил бошида ўндан ортиқ муассис ва ундан ҳам кўп ҳомий ташкилотлар бириктирилган эди. Текшириш-лар жараёнида шу маълум бўлдики, ҳанузгача клубларга бириктирилган ташкилот ва корхоналар ўзларининг муассисми ёки ҳомий эканлигининг фарқига бормайди. Йил бошида клуб ҳисоб-рақамига ҳомийлар томонидан маблағ ўтказиш суст борганлиги сабабли клублар муассислар томонидан тўпланган Низом жамғармасидаги маблағдан жамоанинг шу бугунги харажатлари учун фойдаланишга мажбур бўлишган. Агар шундай бўлмаганда айни кунда клублар ўз Низом жамғармасидаги маблағдан тадбиркорлик билан фойдаланиш орқали янада кўпроқ фойда топган бўлишарди.

Яна бир фикр. Клубларнинг ўз жамғармасидаги маблағни турли хил дўконлар, ошхоналар очишга сарфлаши анъанавий тус олаяпти. Албатта тўпланган маблағдан қандай фойдаланиб, фойда топиш клуб раҳбариятининг иши. Лекин бу маблағлар айни кунда клуб қошидаги кичик корхона шаклидаги ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга сарфланмас экан икки уч йилдан сўнг дўкон ёки ошхоналардан кўрилаётган фойда клубнинг эҳтиёжларини қондирмайди ва клуб банкротга юз тутиши табиий бир ҳолдир.

Текшириш жараёнида «Машъал» клуби ҳисоб-рақамида 7 миллион 683,4 минг, «Динамо-Насаф» клуби ҳисоб-рақамида 1 миллион 621 минг сўм борлигига амин бўлдикки, бу маблағлар ҳам айланма оборотга ёки зудлик билан ишлаб чиқаришга жорий этилмас экан у ўлик капиталга тенг демакдир.

Бу маблағлар айни кунда мамлакатимизда долзарб бўлиб турган спорт кийимлари ёки печенье, макорон маҳсулотларини тайёрлайдиган кичик корхоналар фаолиятини йўлга қўйишга сарфланса мақсадга мувофиқ бўларди.

ОММАВИЙ ФУТБОЛ

Қашқадарё вилоятида 1036 та умум-таълим мактаблари, 36 та ҳунар-техника билим юртлари, 20 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, 115 та жисмоний тарбия жамоалари мавжуд. Бизга берилган расмий маълумотларга кўра 760 та мактаб, 18 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, 10 та олий ва ҳунар-техника ўқув юртлари ва барча жисмоний тарбия жамоаларида Вазирлар Маҳкамасининг футболни ривожлантириш тўғрисидаги қароридан сўнг оммавий футбол йўлга қўйилган. Жисмоний тарбия жамоалари, мактаблар ўртасида туман, вилоят биринчиликлари, Спартакиада мусобақалари ўтказилган. Албатта, бу расмий маълумотнома қоғозидаги қайдлар. Амалдачи?

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 6-бандида 1996-97 йилларда барча мактаблар спорт майдонлари билан таъминланиши лозимлиги кўрсатилган. Қашқадарё вилоят халқ таълим бошқармаси бошлиғининг муовини Ж. Жиловов имзоси билан берилган шу бандга жавобан маълумотномада вилоят таълим муассасаларидаги мавжуд 735 та футбол майдони қарордан сўнг 980 тага етказилгани таъкидланади. Бу яхши албатта. Бироқ маълумотнома баъзи камчиликларга эгалиги боис биз уни қўшимча маълумотлар билан тўлдириб берилишини сўраб қайтарганимизда, эртаси куни янги маълумотномада (вилоят «Меҳнат резервлари» жамияти раиси муовини Х. Баратов имзо чеккан) футбол майдонларига эга мактаблар сони бир кунда 948 тага тушиб қолганлиги бизни ажаблантирди. Бу бир томондан вилоят халқ таълими бошқармасидаги ўртоқларнинг масъулиятсизлигидан далолат берса, иккинчи томондан уларнинг Вазирлар Маҳкамасининг футболни янада ривожлантириш тўғрисидаги қароридан келиб чиқадиган масалаларга ўта лоқайдлик билан қараётганлигини кўрсатади. Бунга биз Қарши шаҳри ва Косон, Ғузор, Қамаши туманларидаги умумтаълим мактабларидаги футбол майдонларининг аҳволини ўрганиш чоғида ҳам амин бўлдик. Жумладан, Косон туманидаги Беруний номли 5-ўрта мактабда бир эмас иккита футбол майдони ва битта мини-футбол майдони борлигини кўриб қувондик. Катта майдонлар ҳатто олий лига жамоаларининг машғулот ўтказиши учун ҳам талабга жавоб беради. Билишимизча, «Машъал-3» жамоаси баъзан машғулотларни шу ерда ўтказар экан. Бироқ майдонлар айни ўқув даври бўлса-да, тартибсиз аҳволда. Шунингдек, Ғузор туманидаги 34-ўрта мактаб, Қамаши туманидаги 65 ва 61-ўрта мактабларда ҳам футбол майдонига чизиқлар тортилмаган. Баъзиларида дарвоза устунлари қийшайиб турган бўлса, бошқасини тош босиб ётибди. Ахир булар маблағ талаб қилмайдиган ишлар-ку.

Қарши шаҳридаги 3 ва 5-ўрта мактабларда умуман футбол майдони йўқ. 5-ўрта мактаб директори Сора Тоғаева бизга кўл тўпи майдонини футбол майдончаси деб кўрсатди. Тўғри, майдончада баскетбол тўпи билан пальто, телпак кийиб олган болалар футбол ўйнашаётган эди. Бу аҳволни изоҳлаб беришни жисмоний тарбия ўқитувчуси Ўқтам Қурбоновдан сўраганимизда у ечиниш хоналари йўқлигини баҳона қилди. Болалар эса спорт кийимлари (арзони), тўплар шаҳарда танқис эканлигини айтишди. Ҳақиқатдан ҳам биз шаҳар дўконларини айланиб, ўқувчиларбоп спорт кийимларини учратмадик.

Қарши шаҳридаги 3-ўрта мактабни эса атрофдан аҳоли турар жойлари сиқиб қўйган. Натижада мактабнинг торгина асфальт-бетон ҳовлиси наридан-бери кўл тўпи, баскетбол, волейбол майдончаларига айлантирилган. Тўп қоча мактаб биноси ойналарини чил-чил синдириши табиий бир ҳол. Бу бетон майдончаларда футбол нари турсин бирор жисмоний тарбия дарсини ўтиш мушкул.

Яна бир қизиқ факт шундаки, Вазирлар Маҳкамасининг қароридан сўнг қишлоқ мактаблари ўқув йилида футбол тўплари билан таъминланган. Аммо шаҳар мактаблари бундай имтиёздан бебаҳра қолган. Ғузор туманидаги 34-ўрта мактаб жисмоний тарбия муаллими Зокир Алиевнинг таъкидлашича, улар ўқув йилида туман халқ таълими бўлимидан 4 та футбол тўпи олишган, бироқ тўплар сифатсизлиги туфайли бир ойга ҳам чидамай йиртилган. Натижада ўқувчиларнинг ўзлари пул тўплаб янгидан тўп, тўрлар харид қилишган.

СТАДИОНЛАР

Шуни тан олиш керакки, вилоятнинг қайси бир туман марказида борманг, у ердаги стадионларда олиб борилган катта ҳажмдаги таъмирлаш ишларини кўриб, беихтиёр майдонга чиқиб, тўп теппингиз келади. Қарши шаҳридаги, «Меҳнат», «Геолог» ва Муборак, Ғузор, Яккабоғ, Қамаши, Косон туманлари марказидаги стадионларда бажарилган ва давом эттирилаётган таъмирлаш ишлари таҳсинга лойиқдир. Жумладан, «Меҳнат» стадионида жорий йилда 82 миллион сўмлик ишлар амалга оширилган. Шунга қарамай қарорда кўрсатилганидек стадионларни акционерлик жамиятларига айлантириш ишлари бироз суст олиб борилаётганлигини таъкидлаш жоиз. Шунингдек, барча стадионларнинг ўзига хос камчилиги шундаки, улардаги ёритиш ускуналари, яъни ёритиш қуввати талаблар даражасида эмас. Дейлик, бу стадионларда кечки пайт учрашув ўтказиладиган бўлса, фототасвир олиш ёки ойнаи жаҳонга репортаж тайёрлаш мушкул. Туман марказларидаги стадионларда майдонни суғориш тармоқлари ёки ўйинчиларнинг ювиниш хоналарини автоматик иссиқ сув билан таъминлаш даражаси юқори талабларга жавоб бермайди. Стадионларини жаҳон талабларига мос келтириш учун ҳали кўп ишлар қилиш керак.

ХУЛОСА ЎРНИДА

Биз ушбу мақолада Қашқаларё вилоятида футболни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишларни таҳлил қилар эканмиз, асосий эътиборни мавжуд камчиликларга қаратдик. Чунки ютуқлар бор нарса. У эртами, кеч ўз мевасини бериши табиий бир ҳол. Шунинг учун ҳам мақоладан вилоятда Вазирлар Маҳкамасининг қарори ҳаётга тўла талбиқ этилмаяпти, деган хулосага келиш керакмас. Вилоятда ушбу қарор ижросига катта масъулият билан ёндошилаётганлигининг, кишиларда катта футболни оёққа қўйиш ишига иштиёқнинг баландлигининг гувоҳи бўлдик. Ғузор туманининг собиқ ҳокими Я. Нуруллаевнинг ўз вазифасидан озод этилишининг асосий сабабларидан бири Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг ижросига етарлича эътибор бермаганлиги сабаб бўлганлиги фикримизнинг далилидир.

Гарчи, ишлаб чиқараётган маҳсулотлари сифати жиҳатидан ҳозирча халқаро андозаларга мос бўлмаса-да, Қарши шаҳридаги «Санам», Шаҳрисабз тўқимачилик фабрикалари ва Косон туманидаги «Темур» хусусий фирмаларида спорт кийимлари, анжомлар ва жиҳозлар тайёрланиши йўлга қўйилгани эътиборга лойиқдир. Қоғоз танқислиги боис ҳатто баъзи Республика газеталари иқтисодий танликка учраб турган бир пайтда «Қашқадарё ҳақиқати» ва «Кашкадаринская правда» газеталари футболни тарғиб этишга катта эътибор қаратиб, ўзининг «Қашқадарё футболи» иловасини мунтазам чоп этиб бораётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Шунингдек, биз Қашқаларё бўйлаб сафаримиз чоғида мутахассислар, футболчилар билан ҳам мулоқотда бўлиб, уларнинг мамлакатимиз футболини янада ривожлантириш, унинг халқаро майдондаги нуфузини кўтариш борасидаги фикрларини ҳам сўрадик. Бу алоҳида бир мавзу бўлса-да, баъзи фикрлар бизнинг эътиборимизни тортди. Жумладан, вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Ботир Эгамов ва унинг муовини Зоир Павловнинг фикрича, спорт мактабларини халқ таълими тасарруфидан жисмоний тарбия ва спорт қўмиталари тасарруфига ўтказиш лозим. Уларнинг таъкидлашларича, мамлакатимизда спортни оммавийлаштириш учун ўрта мактабларгаги жисмоний тарбия дарсларининг ўтилиши етарлидир. Спорт мактаблари эса ҳақиқий спортчиларни тарбиялашга хизмат қилиши керак.

-- Агар вилоятимиздаги 20 та спорт мактабининг ҳеч бўлмаганда бештаси спорт қўмитамиз тасарруфида бўлса борми, биз уларни наридан-бери дарс ўтадиган жисмоний-тарбия ўқитувчилари билан эмас, балки ҳақиқий мутахассис мураббийлар билан таъминланган ва натижада кўплаб истеъдодли спортчиларга эга бўлардик, -- дейди Б. Эгамов. -- Ҳозирги халқ таълими тизимидаги спорт мактаблари эса спортчиларни тарбиялашга эмас, балки кўпроқ маълум бир гуруҳ ўсмирлар соғлигини мустаҳкамлашгагина хизмат қилаяпти. У спорт мактабларида дарс бераётган ўқитувчилар эса, гапнинг очиғи, қўшимча маош учунгина ишлашяпти. Чунки ундан ҳеч ким неча нафар спортчини тарбиялади, деб талаб қилмайди. Натижада спорт мактабларининг оддий спорт тўгаракларидан фарқи қолмаяпти. Албатта, бу тизимни чуқур ўрганиш лозим.

Мақоламиз сўнггида яна шуни таъкидлашни истардик. Вилоят ҳокимининг қарори билан яқинда Қарши шаҳрида футбол-интернат очилди. Вилоятдаги биринчи футбол-интернатга танлов асосида 100 нафар бўлажак футболчилар қабул қилинди. Ҳозирча футбол-интернат вилоят ёшлар жойлашган ва унинг фаолияти энди йўлга қўйилаётган бўлса-да, Қашқадарё футболи келажаги учун замин ҳозирланганлиги, пойдевор қўйилгани муҳим аҳамиятга эгадир.

Расул ЖУМАЕВ,
«Халқ сўзи»нинг махсус мухбири.

Қарор ва ижро

ИШТИЁҚ БАЛАНД, ЛЕКИН ТАЖРИБА ЕТИШМАЯПТИ

ёки Қашқадарё виялотида футбол фаолиятини профессионаллаштириш қандай олиб борилаётганлиги хусусида

Янги нашрлар

МАЪНАВИЙ НЕЪМАТДАН БАҲРАМАНДЛИК

Халқимиз ўзининг минг йиллик кўҳна ва бой тарихига эга. Мозий қатламига теранроқ назар ташлаган сари унинг нурли жозибалари кўнгилларни нурафшон этади. Истиқлол шарофати ила ана шу бебаҳо неъматдан тўлатўкис баҳраманд бўлиш имкони туғилди.

Ҳозирги пайтда кўплаб тарихнавис олимларимиз юртимиз ўтмишини чуқур ўрганиш ва илмий жиҳатдан тўкис ёритиш, Ватан тарихининг собиқ тузум даврида юзага келган кемтикларини тўлдириш борасида изланмоқдалар. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, тарихни ўрганишда фақаттина воқеаларни, саналарни, рақамларнигина келтириш эмас, балки шарқ тарихнавислигида кузатилганидек, даврлар ва шахслар кечмишини батафсил ёритишда маноқиб (биографик) асарлардан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Мусулмон оламини кўп асрлардан буён ўзининг сирли жозибаси билан лол этиб келаётган Ҳазрати Султон номи билан машҳур бўлган муқаддас қадамжо Қашқадарёнинг олис тарихига бориб тақалади. Китоб шаҳридан 82 чақирим шимоли-шарқдаги мазкур туманнинг Тожикистон Республикаси билан чегарадош Зарафшон тоғ тизмасидаги Гавва чўққисини маҳаллий аҳоли улуғлаб Ҳазрати Султон номи билан атайди. Денгиз сатҳидан 4145 метр юқорида бўлган ва баландлиги жиҳатидан мамлакатимиздаги бешинчи нуқта ҳисобланган мазкур улуғвор чўққида йил бўйи фақат бир ой (20 июлдан 10 августгача) ҳаво очиқ бўлади. Шу вақт мобайнида ушбу муқаддас гўша зиёратчилар билан жуда гавжум бўлиб кетади.

Чўққининг шарқий этаги билан унинг жануби-шарқий қисмидан айланиб ўтувчи Оқсув дарёси ўртасида каттагина текис майдон бор. Майдоннинг дарё бетида хонақоҳ мавжуд. Зиёратчилар ушбу хонақоҳда тўхтаб, дам олишади. Шу ерда қурбонликлар қилишади. Эртаси куни тонг саҳарда тоғнинг тепасига—зиёратга жўнаб кетишади. Чўққига чиқишга 200-300 метр қолганда Ковушпартов (оёқ кийимларини ечиб қўядиган) деган текисгина жой мавжуд. Зиёратчилар шу ерда таҳорат ушатиб, тоғнинг тепасига чиқишади. Чўққида эса 70-80 киши бемалол намоз ўқиши мумкин бўлган, тарашлагандек текис тошсупа бор. Супанинг қибла тарафидаги қабрда эса ҳазрати Имом Ҳусайннинг муборак бошлари дафн этилган.

Рассулуллоҳ Муҳаммад саллалоҳу алайҳи вассаламнинг невараси, Ҳазрат Имом Алининг кичик ўғли бўлмиш Ҳазрат Имом Ҳусайннинг азиз бошларининг бу ерда дафн этилишининг ўзи бир фожеали тарих. Маълумки, Уммавийлар давлатининг асосчиси Муовия вафотидан сўнг Язид ибн Муовия отасининг ўрнига халифалик тахтига ўтиради. Бундан Макка ва Кўфа аҳли ғазабга келади. Чунки шу вақтгача халифаларни мусулмонларнинг ўзлари сайлаб қўярдилар. Кўфа аҳли Ҳазрат Имом Ҳусайнга мактуб йўллаб, биз Язиддан безормиз, келингиз, Сизни халифа қилурмиз, дея Кўфага чорлашади. Ҳазрат Имом Ҳусайн уларнинг таклифларини инобатга олиб, Ол-и Байт ва ўзларига тааллуқли етмиш нафар сипоҳий билан Маккадан Кўфа сари йўл оладилар. Язид бу воқеадан воқиф бўлиб, лашкар жўнатади. Унинг лашкарлари Карбало даштида Ҳазрат Имом Ҳусайнга рўпара бўлиб, ул зотни тобеъинлари билан ўлдиришади. Имом Ҳусайн ва Ҳазрат қариндошларининг шафқатсизларча узилган бошларини найза учларига санчиб, Кўфа кўчаларидан олиб ўтишади. Сўнгра Имом Ҳусайннинг азиз бошларини Язидга жўнатишади.

Ривоят қилишларича, Язид лашкарбошиларидан бири Хожа Довуд Дамашқий — Ҳазрати Султон Имом Ҳусайннинг боши ўрнига ўз ўғли Ҳусайннинг бошини кесиб қолдиради ва ҳаммаслак аскарлари ҳимоясида Имомнинг бошини олиб қочади. Язид лашкарлари эса уларни тўхтовсиз таъқиб этишади. Кўп аскарлари йўлда қирилиб кетган Хожа Довуд Дамашқий омон қолган сўнгги ҳамроҳлари билан Мироқи йўли орқали Гавва чўққисига йўл олади. Билонга етганда Турки Тўғон, кейинроқ Хожа Аълоиддин, Хожа Абди Зариф Ғофурий ва Муқбил Оталар ҳам шаҳид бўлишади. Гавва чўққисига кўп машаққатлар билан етиб келган Ҳазрати Султон Имом Ҳусайннинг азиз бошларини шу ерга дафн этадилар...

Шундан буён бу жой мўмин-мусулмонларнинг муқаддас қадамжосига айланган. Тоққа улуғвор салобат берувчи сирлар кўп. Шулардан бири саратоннинг дастлабки ўн кунлигида рўй беради. Эрта тонг — бомдод вақтида Қабзахона қишлоғи тарафидан тоққа қараган киши арабча чодир ёпинган, кўзи, оғзи, соқол-мўйлови яқ-қол кўзга ташланиб турган бошни кўриши мумкин экан.

Маҳаллий аҳоли астойдил эъзозлайдиган Ҳазрати Султон номи билан аталувчи муқаддас қадамжо ўз даврида улуғ ҳукмдорлар, давлат бошлиқлари, етук олим ва уламолар эътиборидан ҳам хориж бўлмаган, дея тахмин қилиш мумкин. Халқ орасида буюк соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳам бу ерни бир неча бор зиёрат қилганликлари, Оқсувнинг зилолидан қонибқониб ичганликлари ҳақида ривоятлар юради. Биз буни Соҳибқирон замонасида яшаб, тарихий асарлар ёзган муаррихлар рисолаларидан ҳам билиб олишимиз мумкин. Зотан, буюк жаҳонгир Амир Темур Ислом динини теран билган, дин аҳилларини ҳурмат қилган, айниқса, пайғамбаримизнинг муборак авлодларига мудом меҳр-муҳаббат кўрсатганлиги бизга яхши аён.

Улуғларини улуғлай олган, қадрлаган халқнинг келажаги ҳам улуғдир. Мустақилликнинг улуғ неъматларидан бири ҳам шуки, биз бу кун улуғ аждодларимиз руҳини шод этиб, улар меросини ўрганиб, маънавиятимизни бойитмоқдамиз. Фидойи илм аҳилларидан бири бўлмиш Аҳмаджон Чориев ҳали илм аҳлига ҳам, тасаввуф билимдонларига ҳам маълум бўлмаган қашқадарёлик шайхул-машойиҳлар — Султон Сайид Аҳмад Вали ва Ҳазрати Султон Довуд ҳақидаги маноқиб китобларни топиб, олиб келди ва уларни форсий забондан ўзбек тилига таржима қилдириб, нашрга тайёрлади. Ана шундай фидойилик билан амалга оширилган илмий изланишлар самараси ўлароқ, «Ҳазрати Султон тарихи ва Ҳазрати Башир маноқиби» номли китоб юзага келди ҳамда кенг китобхонлар қўлига тегди. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонасида кўп минг нусхада чоп этилган ушбу ноёб асар муштарийларга Ҳазрати Султон ва Ҳазрати Башир сингари қусдий зотлар ҳаёти ва фаолияти хусусида ноёб маълумотлар беради. Бир сўз билан айтганда, мазкур рисола маънавиятимиз хазинасига ноёб ганжина бўлиб қўшилиши, шубҳасиз.

Ғафур ШЕРМУҲАММАД,
«Халқ сўзи» мухбири.

Айни кунларда Ўзбекистон Қизил ярим ой жамиятининг хайрия йиғиш ойлиги давом этмоқда. Жамиятнинг Тошкент шаҳар қўмитаси ҳам шу мақсадда қатор тадбирлар ўтказяпти. Шундай йиғилишлардан бири куни кеча пойтахтдаги «Анҳор» қаҳвахонасида бўлиб ўтди. Тадбирга ногиронлар уйлари, меҳрибончилик уйлари, шаҳарнинг турли корхона ва ташкилотлари вакиллари, тадбиркорлар таклиф этилди. Тадбирда йиғилганлар хайрия ойлигида фаол иштирок этишга даъват қилинди. Шунингдек, меҳрибончилик уйларига Қизил ярим ой жамиятининг Тошкент шаҳар қўмитаси томонидан тиббий жиҳозлар, қишки кийим-бош совға қилинди.

СУРАТДА: тадбирдан лавҳа.

А. ПАРДАЕВ тасвирга олган.

ОЧИҚ ТУРДАГИ
"1-ЯРОСЛАВЛ УН ЗАВОДИ"
АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ

ҳамма мулк туридаги корхона ва ташкилотларга биринчи ва иккинчи нав бугдой уни сотади.

Ун темир йўл транспорти орқали жўнатилади.

Маълумот учун Ярославлдаги телефонлар:
(0852) 30-49-26, 30-47-12, факс: (0852) 32-86-21.

«Қувамебель» акционерлик жамияти ўзининг барча акциядорлари ва харидорларини Янги йил байрами билан муборакбод этиб, акционерларга 20 декабрдан 1996 йилнинг 6 ойлик дивидент пули берила бошлаганини эълон қилади!

ТОШКЕНТ САВДО-САНОАТ ЯРМАРКАСИ
16 декабрдан 21 декабргача

Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Тошкент шаҳар товар ишлаб чиқарувчилари ва тадбиркорлари палатаси

ўзбек ва хорижий фирмаларни, корхоналарни
II Тошкент савдо-саноат ярмаркасига
таклиф этадилар.

Ўзбекистон Республикаси Рассомлар уюшмасининг "Хамар" халқаро алоқалар марказида (Ш. Рашидов кўчаси, 40)
16 декабрдан 21 декабргача

Биз Сизни ярмаркамизда кўришдан ғоят хурсандмиз.

Ярмаркада қатнашиш масаласида дирекцияга мурожаат қилишингиз мумкин:
Тошкент ш., Госпитал массиви, 12.
Тел.: (3712) 54-04-87, 55-56-33.
Факс (3712) 55-15-57

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Анвар ЖЎРАБОЕВ.

БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Хатлар 33-07-48;
Мерос ва қадриятлар 36-29-89;
Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;
Иқтисодиёт 36-36-65;
Маънавият 36-35-60;
Тунги муҳарририят 33-10-28.
Эълонлар 36-09-25, Вахтёр-33-10-60

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир —И. Худоёров.
Навбатчи —Ў. Дўстёр.
Мусаҳҳиҳ — А. Худойқулов.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 0711 35460 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 Босишга топшириш вақти—21.00 Таҳririятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топширилди — 22.20. 1 2 3 4 5 6